


...У шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимига "Ўтқир аппендицит" ташхиси билан ётказилган Ханифа Ғразбоевани операция қилиш эвазига унинг акаси Алишер Ғразбоевдан 100 минг сўм талаб қилади.



... Кампир қариб қолгани туфайли уй-жойини вафотидан кейин жиянига қолаган қилиб расмийлаштириш ниятида экан. Қайси инсон қариндошининг бундай марҳаматидан воз кечарди дейсиз?



Нидо

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2010-yil 25-fevral, №08 (685)

Жараён

Назорат

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари

Дунё бўйлаб молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм суриб турган бир пайтда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг ривожланишини тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига бозорларимиз турли-туман маҳсулотлар билан кундан-кунга бойиб бораётганлиги қувонари ҳол.

Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор ва фармонлари қабул қилинди, тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди. Чунанчи, ҳўжалик субъектларида текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизи-

мини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3619-сонли, 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги ПФ-3922-сонли ва 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3665-сонли фармонлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида тадбиркорликни ривожлантириш борасида биринчидан, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада қўпроқ кеклаш, иккинчидан, қасдан содир этилмаган, унча катта бўлмаган ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини қамайтириш ва тадбиркор томонидан етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланган ҳолларда молиявий жазони қўлашдан воз кечтиш, учинчидан, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бо-

зорларга чиқиш имкониятини кенгайтириш борасида бошланган ишларни давом эттириш, тўртинчидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Давлат томонидан кўрилатган бу каби чора-тадбирлар тизими тадбиркорликни ривожлантиришда қанчалик катта роль ўйнаётганлигига амалда гувоҳ бўлмоқдамиз.

Назорат органлари томонидан турли текширишларнинг йилдан-йилга қамайиши, уларнинг режа асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши тадбиркорларга эркин фаолият олиб бориш имконини берди. Халқимизнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик хусусиятларига эга бўлган вакиллари имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бу соҳага шўба билан қараган кишиларга кичик бизнеснинг даромад келтирувчи соҳа эканлигини исботладилар.

/ Давоми 3-бетда /

Қонун устуворлигини таъминлаш – бош мақсадимиз

Икрамжон ПАЛВАНОВ,
Бўжора вилоят прокурори ўринбосари

Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятининг бош тамойили қонун устуворлигидир. Бу жараёнда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларнинг олдини олишдек ўта муҳим ва масъулияли вазифа прокуратура органлари зиммасига юклатилган.

Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламнинг ижтимоий муҳофазаси, меҳнат ва бандлиги, соғлиқни сақлаш, иш ҳақи маблағларини ўз вақтида тўлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва коммунал тўловлар тизимини тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назорат прокуратура органларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Зеро, иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислох этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси аҳоли моддий-маънавий турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилади.

Ўтган йил давомида қайд этилган йўналишларда 539 та текширишлар ўтказилди. Уларнинг натижаларига кўра жами 10502 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди. Шу даврда 771 та гайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 567 та тақдимнома киритилиш орқали бартараф қилинди. Жиллий қонунбузилиш ҳолатлари юза-

сидан 93 та жиноят иши қўзғатилди. Етказилган моддий зарарларнинг 69 миллион 417 минг сўми айбдорлардан ихтиёрий равишда ундирилди. 3 миллиард 435 миллион 649 минг сўмлигини ундириш ҳақида тегишли сулларга 1381 та даъво аризалари киритилди.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2 миллиард 513 миллион сўм режалаштирилиб, вилоят тижорат банклари томонидан ушбу соҳа учун 6 миллиард 200 миллион сўмдан ортқ кредитлар ажратилиб, 178 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Жондор туман прокуратураси томонидан меҳнатга лаёқатли ишсизларни аниқлаш ва уларнинг ишга жойлаштириш борасида ўтказилган тадбир давомида иш қидирувчи сифатида бандликка кўмаклашувчи туман марказига мурожаат қилмаган 135 нафар меҳнатга лаёқатли фуқаро аниқланган. Улар ушбу марказда рўйхатга олиниб, ишга жойлаштирилди. Шунингдек, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи йирик ва кичик саноат корхоналарида жами 250 нафар фуқаро касаначилик йўналишида иш бошладилар.

/ Давоми 4-бетда /

Жисмоний ёки руҳий тазйиқ

жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради

Конституциямизнинг 26-моддасида қайд этилганидек, ҳеч қим қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ушбу конституциявий қонунда асосида қабул қилинган қонунларда жиноий қилмишда гумон қилиниб ушланган, тергов қилинаётган айбдор шахсларга нисбатан гайринисоний муомала қатъий тақиқланган.

Шу йил 15 февраль куни Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Фарғона вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик" мавзусида илмий-амалий конференция

бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, ҳуқуқшунос олимлар, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари Олий ўқув курслари бошлиғи, юридик фанлари доктори Т.Умаровнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарликнинг ҳалқаро ҳуқуқий жиҳатлари, жиноят ишлари бўйича Фарғона ви-



Ўқтамали ЙЎЛЧИЕВ,
Фарғона вилоят прокурори
катта ёрдамчиси

тингловчиларининг ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётда қўллашга оид маърузаларини тингладилар.

Конференция иштирокчилари мунозараларда ўз фикр-мулоҳазаларини, нуқтаи назарларини баён қилдилар. Ҳар қандай шахсини қийноққа солиш, унга нисбатан зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга бошқа шафқатсиз, қадр-қимматини камситадиган муносабатда бўлиш, шунингдек ушлаб турилган ёки қамоққа олинган гумон қилинувчи ёки айбланувчи жисмоний, руҳий тазйиқлар ўтказилишига йўл қўймастик

ҳамда бу борадаги қонунчиликни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Анжуманда ушбу мазмундаги жиноий қилмишларни ўз вақтида аниқлаш ва тезкорлик билан дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш, айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш ҳамда шу соҳага оид суд амалиётини такомиллаштириш хусусида тақлифлар берилди. Мазкур конференция доирасида қўриб чиқилган масалалар инсон ҳуқуқлари ҳамда шахсининг ҳақсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Ушбу жиноятларнинг олдини олиш, жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятни содир этган шахсларга қонуний жазо тайинлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ўртасида бундай ҳолатлар юз беришининг олдини олиш мақсадида самарали тарғибот ва профилактика ишларини олиб бориш бўйича зарур тасвирлар ишлаб чиқилди.

Анжуман

Устувор вазифалар

Шаҳримиз қурилиш майдонига айланди. Республика Президентининг Фарғона шаҳри иқтисодий-иҷтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш ҳақидаги қарори асосида кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Савао, хизмат кўрсатиш, турли ишлаб чиқариш корхоналарининг муҳташам, замонавий бинолари қал ростламоқда. Тадбиркорлар сафи кенгайиб янги иш уринлари яратилмоқда. Меҳнат ва бандлик муаммоси ҳал этилиши жараёнида жиноят ва ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи билвосита сабаблардан бири бартараф этилмоқда.

Бобуржон ДЕҲҚОНОВ,
Фарғона шаҳар прокурори

Ўтган йили шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан 4 марта ўтказилган бўш иш уринлари ярмаркаларида 646 нафар фуқаролар ўзларига мақбул иш жойларига йўлланмалар олишди. Уларнинг аксарияти битирувчи ёшлардир. Ўрта махсус билим ўқитувчи - коллежаларнинг маъмуриятлари битирувчилар ишта жойлашиб олишлари учун ҳам масъулдилар. Афсуски, уларнинг айримлари масъулиятини ўзларидан соқит этишнинг осон "усул"ларини "кашф" этишган ҳолатлар учради. Масалан, 2-тиббёт коллежи маъмуриятининг маълумотнома сизга кўра А. Обитқўжаев, Р. Сархатов, Ш. Ходжаев, Ф. Шарипов, жами ўн нафар битирувчилар "Зулайҳо Бону Қўёй" хусусий корхонасига ишта жойлашибган. Ушбу маълумот ҳақиқатдан йироқ бўлиб чиқди. Ана шундай сохта ҳисоботларни тақдим этган коллежаларнинг 18 нафар масъул шахслари илтимозий жавобгарликка тортилди. Қонунбузилишларни бартараф этиш учун 3 та тақдимнома киритилди.

Шаҳар прокуратураси фуқароларнинг меҳнат ва меҳнатларига яраша ҳақ олишдан иборат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида доимий иш юритмоқда. Тўлов интизом ва ҳисоб-китоб тизimini мустаҳкамлашга қаратилган қонун талабларига қатъий риоя қилинган тақдирда иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилмаслиги аён. Шунини инobatта олган ҳолда ушбу қонунчилик ижроси ўрганиб борилмоқда. Тақдирларда "Двигатель-монтаж" шўба корхонаси раҳбарлари 98,2 миллион сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорликни ундирши чораларини қўришмагани оқибатида 18,1 миллион сўм иш ҳақи тўланмай, ишчиларнинг қонуний манфаатларига жиддий зиён етказилгани аниқланди. Худди шунингдек, вилоят "Энерго марказ" ОАЖ мансабдор шахслари 415,2 миллион сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорликни ундирши чораларини қўришмаган, натижада ҳодимларга 35,3 миллион сўм иш ҳақларини тўлашни пайсалга солиб келишган.

Иш ҳақи, пенсия тўловлари орта суртилишнинг сабабларидан яна бири, айрим банкларнинг мансабдор шахслари нақд пул маблағларини ана шу биринчи даражали тўловларга йўналтиришдан иборат хизмат бурчларига хилоф иш туттишган. Чунотчи, "Ўзсаноатқурилиш-банк" Қиргули филиалининг мансабдор шахслари нақд пуллари бошқа мақсадларга тақсимланганлиги натижасида бюджет ташкилотлари ҳодимлари ва пенсионерларга 123 миллион сўм иш ҳақи, пенсия ва таътил пуллари тўланмаган. 4 та мактаб педагог-ҳодимларининг жами 21,5 миллион сўм иш ҳақлари эса айриқонуний равишда омонат ҳисоб рақамларига ўтказиб қўйилган.

Мамлакатимизда жаҳонни қамраган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини минималлаштириш борасида қўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Мураккаб шароитларда иқтисодий ўсиш таъминланди. Шаҳар прокуратураси аҳолини иш ва иш ҳақи билан таъминлаш, илтимозий ҳимоя қилиш, ўрта ва кичик бизнесни, тадбирчиликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги қонунчилик ижросини таҳлил этиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиб борди. Фуқаролар,

тадбиркорларнинг мувожаатлари қонуний қўриб чиқилиб, молиявий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш чоралари қўрилди. Биргина "Ишонч телефони" орқали олинган 13 та мувожаатларнинг барчаси қаноатландирилди. Хусусан, Халқ банки Фарғона шаҳар филиали рубероид-қурилиш материаллари ишлаб чиқариши йўлга қўймоқчи бўлган "Мархабо Хаёг" хусусий корхонасига кредит ажратиб беришни орта суриб келган. Корхона раҳбари М. Бойболаеванинг "Ишонч телефони"га мувожаати ўрганилиб, 18 миллион сўм кредит ажратилиши таъминланди. Шунингдек, "Фарғона Останакўл Файзи" хусусий корхонасининг раҳбари З. Исломобекованинг мувожаати қўриб чиқилиб, 50 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Шаҳар ҳокимлигида "Фуқароларнинг мувожаатлари тўрисида"ги Қонун ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчилик ижроси таҳлил қилиб борилмоқда. Ушбу жараёнда фуқаро А. Мираҳмедовнинг тадбиркорлик ҳуқуқи поймол этилган ҳолат аниқланди. У 2007 йили ҳалат дўконини куриш учун ер майдонини ажратишни сўраб ариза ёзган. Тегишли ҳужжатлар тайёрлангану, шаҳар ҳокимлиги, ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати ҳодимларининг масъулиятсизлиги оқибатида ер майдонини ажратилмаган. Тақдимнома киритилиб шу каби ана бир қатор қонунбузилишлар бартараф этилди. Фуқароларнинг қабул қилиб арзларини тинглаш ва қонуний ҳал этишга алоҳида этибор қаратилди. Ўтган йили 736 нафар фуқаролар, шу жумладан 60 нафари билвосита иш ўқиб ва яшаш жойларида қабул қилиниб, мувожаатлари ўрга-

нилди ва тегишли чоралар қўрилди.

Бозорларни тўқин-сочинлик кўзгусига қисиллашди. Бозорларни куриш ва реконструкция қилишга, тадбиркорлар, савдогарлар ва мижозларга, харидорларга қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият берилляпти. Шаҳарда бешта бозорда мутахассисларни жалб этиб ўтказилган текширишларда аниқланган ёнгин хавфсизлиги, санитария-гиғиена, савдо қоидалари бузилишининг бартараф этиш чоралари қўрилди. "Фарғона Савдо Мажмуаси" МЧЖ да эса бундан ташқари 17 миллион сўмлик дебитор қарздорлик ундирилмагани туфайли ишчи-ҳодимларга 10 миллион сўмлик иш ҳақи тўланмай келинаётгани аниқланди. МЧЖ раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шаҳар прокуратураси ўтган йили фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 47 та текшириш ўтказди. Жами 1412 та назорат ҳужжатлари қўлланлиб, қонунбузарликлар бартараф этилди. самардорлик 30 фойизни ташкил этди. Қўпол қонунбузилишларга нисбатан 39 та жиноят иши қўзғатилиб, 300 нафардан зиёд фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Шаҳар прокуратураси Баркамол авлод йили давлат дастури ижросини таъминлаш борасида ҳокимият идоралари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ёшларнинг тўлақонли билим олишлари, эгалланган касб-корларига мос корхона ва муассасаларда иш бошлаб, ҳаётда ўз уринларини топишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Коррупция — тароққиёт кушандаси

Хадемай, аниқроғи 2 март кунги Ўзбекистон жаҳондаги энг нуфузли халқро таркилот - Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо бўлганлигига 18 йил тўлади. Бу таъбир жоиз бўлса, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни мақсад қилган халқимизнинг энг улкан ютуқларидан бири бўлган эди. Негаки, БМТга аъзолик мамлакатимизни халқро ҳамжамият томонидан тенг ҳуқуқли, суверен давлат сифатида тан олинганлиги эътирофидир. Шу йрида таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида юртимизда ҳуқуқий давлат қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон қўшилган дастлабки халқро ҳужжат БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" бўлганлигининг ўзидек мақсадимиз нечоғлик эътилози билан дарак беради. Амалдаги ва янгидан қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини у ёки бу даражада ҳимоя қилишга қаратилган.

Хўш, бунга қандай эришилмоқда? Шу йрида юқорида таъкидланган эъзу мақсадларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз илчил билан узулқисс равишда, боқичма-боқич давом эттирилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Бу жараёнда юртимизда амалга оширилаётган илтимозий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ўзгаришлар қатори суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилинганлиги,

жинойий жазоларнинг либераллаштирилганлиги, ярашув институтининг жорий этилганлиги юртбошимиз раҳномалигиде халқимиз тароққиётнинг юксак марралари сари далил одимлаб бораётганини кўрсатади.

Аммо халқимизда "Туруч кўрмақсиз бўлмайд"и деган гап бор. Афсуски, орамизда ўз фаразли мақсадини қўллаб қўнунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Шундайлардан бири Таҳиятош шаҳар тибиёт бирлашмаси бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимда ишлаб келган Кожабой Машариповдир. У 2009 йил 5 апрель кунби бирлашманинги шошилчи тибиёт ёрддам кўрсатиш бўлимига "Ўткир аппендицит" ташхиси билан ётқизилган, Таҳиятош шаҳар 1-микрорайон 18-уйининг 32-ҳонадониде яшовчи 1991 йилда туғилган Ханифа Ўразбоевани операция қилиш эвазига унинг акаси Алишер Ўразбоевдан 100 минг сўм талаб қилди. У А.Ўразбоевдан шуңча пулни пора тариқа сизилди олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинди. Шунга ўхшаш жиноятни Таҳиятош шаҳар политехника касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари лавозимда ишлаган Ақилжон Матякубова ҳам содир этган. У коллеж раҳбарияти томонидан битирувчи курс талабаларининг коллежини тутатганлиги тўғрисидаги дипломларни тарқатиш ўзига ишониб топширилганидан айриқонуний равишда фойдаланиб, 2007-2008 ўқув йилида коллежини тутатган Мердан Союновдан дипломни бериш ва ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб беришига ёрддам бе-

Аминбой АЙТИМБЕТОВ,
Кораквалистон Республикаси
прокуратураси бўлими бошлиғи
Нуриддин ОКҲАЗАРОВ,
"Ниҳод"

риш учун 2009 йилнинг январь ойида ўз хизмат хонасида 30 минг сўмини пора тариқасида олади.

Бундан ташқари, А.Матякубова шахсий бойлик ортиртини мақсадида 2009 йилнинг март ойлари бошларида М.Союновни хизмат хонасига чақириб олиб, "Агар ана 100 минг сўм пул бермасанг дипломингни бекор қилдираман, диплом берилмаса ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам ола олмайсан" дея таҳдид қилиб 2009 йил 18 март кунби ўз хизмат хонасида такроран 115 минг сўмини пора тариқасида олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ушланган.

Хар икки ҳолат йозасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан айбдорлар қонуний жазосини олишди.

Юртбошимиз мамлакат конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда 2010 йилни юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилар экан, олдимизда турган энг муҳим вазифалар сифатида аҳолининг, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу улғ ишта ҳисса қўиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, юртимизнинг порлоқ келажаги ҳар томонлама баркамол ёшлар қўлида эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тергов сифати ва самардорлиги омиллари

Б. ҚАНААТОВ,

Анджон вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

Ўтган ҳафта Анжон вилоят прокуратурасида прокуратура, ИИБ терговчилари ва жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьялари иштирокида мувофиқлаштирувчи йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят прокурори Б.Деҳқонов олиб борган йиғилишда терговолди текшируви, суриштирув, тергов ўтказилишида қонунда белгиланган процессуал талабларга риоя қилиш, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, жиноят ишларини аниқлаш, ашёвий далилларни қонунда белгиланган тартибда қайд этиш ва расмийлаштириш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жиноятлар йозасидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари баъзан сифатли ўтказилмаётгани, жиноят ишларини аниқлаш, ашёвий далилларни қайд этиш ва расмийлаштиришда қонун талабларига тўлиқ риоя қилинмаётгани, жиноятларни фож этишда ва тергов қилишда криминалистика техника воситалари, илғор услубий қўлланмалар ва суд экспертизалари имкониятларидан лозим даражада фойдаланилмаётгани кескин танқид остига олинди. Шунингдек, жиноят процесси иштирокчиларининг қонунлар билан қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол қилинишига йўл қўишмаслик, давлат ва жамият манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят оқиба-тида етказилган зарарни қоплаш борасида янада самарали иш юритиш лозимлиги таъкидланди.

Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар йозасидан тергов-тезкор фаолиятига этибор қаратиш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Суд-прокурор амалиётини мунтазам равишда таҳлил қилиш, терговолди текшируви, суриштирув, тергов ўтказилишида процессуал талабларга оғишмай риоя этилиши ҳамда қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги мунтазам равишда ўрганилиши суриштирув ҳамда терговнинг ҳолисона олиб борилишини таъминловчи муҳим омиллардандир.

Йиғилишда тегишли ҳарор қабул қилинди.

Қонун устуворлигини таъминлаш – бош мақсадимиз

/Давоми.

Бошланғичи 1-бета/

Бозор иқтисодийёти шароитида аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш муаммосига истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлат аҳамиятига болиқ масала сифатида эътибор қаратиб келинаётгани бежиз эмас. Бинобарин, моддий таъминланганлик даражаси юқори бўлган оилалар фаровон, тинч, бахтли турмуш кечиради. Оиладаги хотиржамлик маҳаллалар осойишталигини, маҳалланинг ободлиги юрт, миллият равақини, турмуш даражаси билдирайди. Бу ижтимоий вобасталиkning бир халқаси заифлаша бошқасига шубҳасиз ўз таъсирини ўтказди.

Маълумотларга кўра, 2009 йилда ҳам таъминланган 58524 та оилага 2 миллиард 640 миллиард 965 минг сўмлик моддий ёрдам, икки ёшгача боласи бўлган 338923 нафар оналарга 20

миллиард 925 миллион сўмлик нафақа, 16 (18) ёшгача боласи бўлган 467112 та кўп болали оилаларга 16 миллиард 798 миллион 379 минг сўмлик нафақа тайинланиб тулган. Бу рақамлар замирида давлатимизнинг ижтимоий ҳимояга эътибори мужассам. Бироқ давр талабини, қонунлар моҳиятини айрим мутасаддилар унуттишаётгани ажабланарди.

"Ўзбекистонпочтаси" очик акционерлик жамияти "Жондор-почта" алоқа тармоғига қарашли "Қароли" алоқа бўлими бошлиғи Ф.Ҳамроев шу ҳудудда яшовчи фуқароларнинг 2009 йил июнь ойи пенсия тўловида йўналтирилши лозим бўлган жами 10 миллион 351 минг 284 сўмлик нақд пуллари ўзлаштирилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шунингдек, Пешку туманидаги "Янгибозор" алоқа почта тармоғига қарашли "Афсона" алоқа бўлими хат ташувчиси

Ш.Жониев 37 нафар пенсионернинг апрель, май ойлари учун берилиши лозим бўлган 4 миллион 231 минг 417 сўмлик пенсия ва компенсация тўловларини туламасдан, уларнинг имзоларини сохталаштириб талон-тороқ қилиб жиноят қўл урган. Мажбурийат ҳиссини тамоман унутган почта ходимлари қонун ҳар қандай ғайриқонуний ҳолатга мурокасиз эканлигини суднинг қора курсисига ўтиришгач чуқурроқ англаган бўлишса ажаб эмас.

Кези келганда айтиш жоизки, пенсия нафақаларини сунъий тарзда кечиктириётган, бурч масъулиятини унутиб давлат ҳамда фуқаролар манфаатларига путур етказиётган кишилар ислоҳотлар оқсига сабаб бўлишганини қачон англашди?

Шунингдек, ОАТБ "Агробанк"нинг Вобкенг туман филиалида қимматли қоғозлар ва пластик қарточкалар билан иш-

лаш бўйича мутахассиси Р.Бозоров фуқаро Н.Баротованинг номига 2007 йил 25 октябрда шу банкда тегишли ҳужжатлар асосида пластик қарточка очди. Бироқ, ўз фойдасини ўйлаб пластик қарточкани эгасига беришни "хотиридан фаромуш қилади". Н.Баротованинг иш ҳақи учун мазкур банкнинг умумий транзит ҳисоб рақамидан 475 минг сўмлик, туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими ҳисоб рақамидан 325 минг 600 сўмлик ҳамда унинг меҳнат таътили пулидан 183 минг 155 сўм, жами 983 минг 755 сўмлик пул маблағларини пластик қарточкага ўтказди. 2009 йилнинг 10 август кунига қадар турли терминаллар орқали ушбу пул маблағларини шахсий манфаатлари йўлида қаражат қилиб ўзлаштириб юборади. Банк мижозининг ҳуқуқ ва манфаатларини унутган Р.Бозоров қонун олдида қилмиши учун жавоб берди.

Мазкур йўналиш бўйича ўтказилган 55 та текшириш натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида 99 та тақдимнома, 301 та протест киритилди. Прокурор тақдимномаси ва қарорлари асосида 485 нафар шахс интизомий, 38 нафар шахс маъмурий, 31 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 27 миллион 660 минг сўмлик моддий зарарлар айбдорлардан ихтиёрий равишда ундирилди таъминланди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга 15 та давво аризалари киритилиб, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 24 та жиноят иши қўзғатилди.

Таъкидлаш жоизки, фаолият туридан қатъи назар ҳар қандай корхонада қонунийлик мустаҳкам бўлса, у ерда иқтисодий ўсиш, маънавий мувозонад устуворлиги яққол кўзга ташланади. Аксинча, қонунга чап беришга уриниш, қонун талабини шахсий манфаат йўлида бузиш адолатсизлик, парокандалликка сабаб бўлиб, жамоа ишончига путур етказиши ҳеч гап эмас. Қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг бош тамойилидан бири ҳисобланар экан, бу борада энг катта масъулият прокуратура органдари зиммасига юқлатилди.

Бугун Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий жиҳатдан дунёнинг етуқ мамлакатлари қаторига қўшилди десак, муболаға бўлмайди. Бу албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва оқилона сиёсатнинг самарасидир. Маълумки, ривожланган давлатларнинг қишлоқ ҳўжалигида шартнома асосида иш олиб бориш кенг жорий этилган. Айни дамда юртимизда ҳам фермерлик соҳасида шартнома асосида ишлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Аввало, фермерликни ривожлантириш, рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шarti билан узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилиб, республикамизда уларни қўллаб-қувватлаш учун етарлича маблағлар ажратилмоқда.

"Фермер ҳўжаликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан фуқароларга фермер ҳўжалиги юришти учун ер участкалари элик йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўрсатиб қўйилди. Шу билан бирга фермер ҳўжаликлари мол-мулкни фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириши мумкин. Амалдаги қонун ҳужжат-

Фермернинг ҳуқуқлари кенг, аммо...

Шерзод МИРЗАКИРОВ,
Ўзбекистон тумани прокурори ёрдамчиси

ларида фермер ҳўжаликлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган манфаатларини тиклаш механизми тула яратилди. Бундай ҳўжаликларга берилган имтиёзлар, яратилган шароитлар улардан тегишли мажбурийатлари ҳам талаб қилди. Демак, уларнинг масъулияти ҳам шунга яраша белгилаб қўйилган.

Оқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3406-сонли Фармони ижроси юзасидан туманда фермер ҳўжаликлари фаолияти юзасидан мониторинг ўтказилди. Туман прокуратураси томонидан олиб борилган ушбу мониторингга айрим фермерларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари аниқланди. Улар олдиларига қўйилган режа, қолаверса, шартномада кўрсатилган мажбурийатлар-



ни бажаришда ва ердан оқилона фойдаланишда қонунбузилишларга йўл қўйиб келганлар.

Ана шундай ҳўжаликларга тумандаги "Ғаниобод Мадад" ММТП ҳудудида жойлашган "Бўриев Аъзамжон хож" фермер ҳўжалигини мисол қилиш мумкин. Мазкур фермер ҳўжалиги раҳбари узоқ муддатга ижарага берилган ердан ўзининг ғаразли мақсадларида фойдаланиб келган.

Жумладан, ҳўжалиkning жами экин майдони 60 гектарни ташкил этиб, унинг 20 гектарига бошоқди дон, 40 гектарига эса пахта экиш режалаштирилган. Аммо, фермер ҳўжалиги ҳудудидан 0,60 гектар

экин майдонини 10 нафар фуқарога 0,06 гектардан бўлиб берди. Фермер ҳўжалиги мансабдор шахслари бу билан ҳам қаноатланмаган. Шунингдек, 0,30 гектар экин майдонини 5 нафар фуқарога юқоридаги сингари 0,06 гектардан ажратиб берди. Фермернинг ҳотамтойлиги туфайли, охир-оқибатда ҳўжалиkning 2010 йилда пахта экиш режалаштирилган 0,90 гектар ер майдонлари шу тариқа талон-тороқ қилинади.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, туман прокуратураси томонидан қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Навий вилоят прокуратураси органлари томонидан 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги "Қорақўлчаиқада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Ўтказилган тадбирларда 14220 бош чорва молларининг талон-тороқ қилиниши, бунинг натижасида эса ширкат ҳўжаликлариغا 681 млн. 26 минг сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, мазкур ҳолатлар юзасидан 29 та жиноят ишлари қўзғатилган. Тергов давомида етказилган зарарларнинг 307 млн. 854 минг сўми ундирилишига эришилди.

Хусусан, Учқудук туманидаги "Авангард" ширкат ҳўжалиги 1-бўлим бош чўпони М.Қушкбаев жавобгарлигидаги 16 млн. 250 минг сўмлик 250 бош қўйни ўзлаштириш ва растрата

қилиш йўли билан талон-тороқ қилганлиги маълум бўлди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида туман прокурори томонидан М.Қушкбаевга нисбатан ЖК-нинг 167-моддаси 3-қисми "а"



банди билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор суд томонидан тегишли жазога маҳкум этилди.

Кониимек туманидаги "Кониимек" ширкат ҳўжалиги 6-бри-

гада бош чўпони М.Баекеев эса жавобгарлигида бўлган 12,5 млн. сўмлик 330 бош майда шохли молларни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тороқ қилган. Унга нисбатан ҳам ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Бундан ташқари, 2009 йилда айрим мутасадди раҳбар ва моддий жавобгар шахсларнинг бепарволиги ва эътиборсизлиги оқибатида майда шохли моллар сонининг Кониимек тумани "Маданият" ширкат ҳўжалигида 325, "Чордара" ширкат ҳўжали-

Таланган сурувлар

Нурали ИСРОИЛОВ,

Навий вилоят прокуратураси бўлим прокурори

гида 8259, Томди туманининг "Керегетан" ширкат ҳўжалигида 850, "Керезбулоқ" ширкат ҳўжалигида 1512, "Аяққудук" ширкат ҳўжалигида 7005, "Бирлик" ширкат ҳўжалигида 1003, Учқудук туманининг "Авангард" ширкат ҳўжалигида 4713, "Алтинтау" ширкат ҳўжалигида 1710, "Жўзқудук" ширкат ҳўжалигида 3519 ва Нурота туманининг Ш.Рашидов номли ширкат ҳўжалигида 7476 бошга қамайишига йўл қўйилган.

Чорва моллари талон-тороқ қилинишининг олдини олиш мақсадида туман ҳокимликлари ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари томонидан уларнинг сақланиши, ветеринария хизматлари кўрсатилиши, чўпонларга яратилган шарт-шароитларнинг аҳоли мунтазам равишда ўрганилиб, вақтида амали ёрдам бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мен боламга, болам боласига...

Ўғлимни 1999 йили уйлантирган элим. Орадан бир йил ўтиб фарзанам туғилди. Лекин ҳеч қанча яшамасан хотини ажралиш ҳақида суғга ариза берди. Суд ўғлимдан фарзанининг таъминоти учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1/4 қисми ҳисобида алимент ундириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўғлим саккиз йил давомида алиментни тўлаб келди. Айни пайтда ҳеч қарерга ишлаймай, 3-гuruh ногирони, 48 минг сўм пенсия олади. Иккинчи хотинидан тўрт нафар фарзанди бор.

Собиқ хотини ўтган йили бошқасига эрга тегиб кетибди. Шунинг учун ўғлим алиментни қарерга юборишни билмай юрди. Яқинда суд ижрочиси келиб, 7 ойга 614383 сўм тўлайсан деди. Ўғлим пенсиясининг 1/4 қисmini тўлашга тайёр, лекин ижрочи айтган суммани тўлай олмайди. Бир газетода алимент тўлашда молдий ва оилавий аҳволи инобатга олинади дейилган эди. Бу борада қандай маслаҳат бера оласизлар?

С.Курдашов,
Фориш тумани

Қарзим бўлмаса ҳам...

Кейинги пайтларда ишхонамизда газдан фойдаланганлигимиз учун қарздорлик бўлса ҳам, бўлмаса ҳам иш ҳақинимиздан ушлаб қолиш одатга айлиб қолди. Шундай қилиш тўғрими?

Г.Қулматова,
Жиззах шаҳри

Ходимнинг иш ҳақидан мажбурий тартибда ушлаб қолиш фақатгина Меҳнат кодекснинг 164-моддасида қайд этилган ҳолларда, яъни Ўзбекистонда белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш, суд қарори ва бошқа ижро ҳужжатини ижро этиш, шунингдек, бевосита иш берувчи билан боғлиқ муносабатлар бўйича (хатолик натижасида ортиқча тўланган пулни, иш берувчига етказилган зарарни ундириш каби) бўлиши мумкин.

Республика Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2001 йил 4 майдаги қарори билан тасдиқланган Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақини иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисида ги Низомда белгиланишича, қор-

хона ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун тўловни иш ҳақидан ушлашга кўринишида ходимларнинг ёзма аризаси асосида коммунал хизматлар кўрсатидиган корхона ва ташкилотларга ўтказилади. Шу боис бундай тўловларни иш берувчи томонидан юқорида назарда тутилган ҳоллардан ташқари мажбурий тартибда ушлаб қолиниши мумкин эмас.

Коммунал хизматлар учун иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисидаги аризада ходим коммунал хизматлар қиймати ва тури, коммунал ташкилот реқвизитлари ва ушланма амалга оширилиши зарур бўлган даврни кўрсатиши керак. Агар ходим касал ёки таътилда ва бошқа сабаблар билан ишда бўлмаса, иш ҳақидан ушланма кейинги ойда амалга оширилади.

Кўлимга кам тегаяпти

Менинг иш ҳақим тарификация бўйича 288 минг сўмни ташкил қилади. Бўйдоқ деб 68 минг сўм ушлаб қолишади. Кўлимга 228 минг сўм пул оламан. Уларнинг бу иши тўғрими?

Мен ота-онам қарамогийда яшайман. Хўжалигимизда газ, электр энергиядан қарздорлик йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам ҳар ойда газ ва электр энергияга деб 10 минг сўмдан ушлаб қолинаёпти. Шу тўғрими?

Х.Ўроббоева,
Дўстлик тумани

Жисмоний шахснинг олаётган жами даромадидан солиқ ундириш Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқ ставкаларига амал қилган ҳолда амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Солиқ кодексининг 179-180-моддаларида қайд этилган жисмоний шахснинг имтиёзлари инобатга олинади (агар имтиёзлар тааллуқли бўлса).

Солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган:

энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда даромад суммасининг 11 фоизи;

энг кам иш ҳақининг олти бараваридан ун бараваригача бўлган миқдордан даромад суммасининг 17 фоизи;

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ва ундан юқори миқдордан ошадиган суммадан 22 фоиз.

Шуни инобатга олиш керакки, жисмоний шахсдан олинadиган даромад солиги суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадидан энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб боровуحي якун билан ҳисобга олинади.

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланadиган жисмоний

шахслардан олинadиган даромад солиги суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараққларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинadиган даромадларидан бир фоизи миқдорда ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига қамайтирилади.

Иккинчи саволингизга келadиган бўлсак, ходимнинг иш ҳақидан мажбурий тартибда ушлаб қолиш фақатгина Меҳнат кодексининг 164-моддасида қайд этилган ҳолларда, яъни Ўзбекистонда белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш, суд қарори ва бошқа ижро ҳужжати ижро этиш, шунингдек бевосита иш берувчи билан боғлиқ муносабатлар бўйича (хатолик натижасида ортиқча тўланган пулни, иш берувчига етказилган зарарни ундириш каби) бўлиши мумкин. Қолган барча ҳолларда меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш фақат ходимнинг ёзма равишдаги розилиги асосида амалга оширилади. Кодекснинг мажбурий талабига амал қилмаслик фуқаронинг ҳуқуқларини поймол қилиш деб ҳисобланади.

**Пенсия тўлиқ берилadими?**

Кутубхона мудараси бўлиб ишлаган аёл пенсияга чиққанида, имтиёзли асосда пенсияни тўлиқ миқдорда олишга ҳақиқ бўладими?

Х.Қўзиева,
Учқор тумани

Бундай тарздаги имтиёзли пенсия олиш учун сиз ёшга доир пенсияга чиққанингиздан аввал айнан кутубхоначи лавозимида камида ўн йил давомида ишлаган бўлишингиз лозим. Бундай ҳолат "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида"ги тартибда назарда тутилган.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадини бир бола учун - тўртдан бир қисми миқдорда ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан қамайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда, ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминлиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келadиган бўлса ёки алимент олаётган шахс

муастақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан қамайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини қамайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Қариндошгами ёки бегонага?

Мен шахсий автомашинани дўстимга ҳая қилишга ҳақиманми ёки ҳая фақат яқин қариндошлар ўртасида бўладими?

Ҳаялини нотариусда расмийлаштиришда қанча пул тўланади?
Р.Сапаев,
Чирчиқ тумани

Дўстингизга автомашинанингизни ҳая қилишингиз мумкин. Бироқ, мазкур автомашинани биргаликдаги мулк, яъни унда яна кимнингдир ҳиссаси бўлиб, умумий мулк саналса (масалан эр-хотин ўртасидаги), унда автомашинани ҳая қилишда ҳиссаси бўлган шахснинг розилигини ҳам олиш керак бўлади.

Ҳая шартномасини расмийлаштиришда ҳар бир от кучи учун бож ундирилади. Бунда автомашинанинг қаредда ишлаб чиқарилганлиги, фойдаланиш муддати ҳам инобатга олинади. Масалан, агар

автомашинанингиз чет элда ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан фойдаланиш муддати етти йилдан ортиқ муддатни ташкил қилса, ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда бож ундирилади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ҳая шартномаси яқин қариндошлар - эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, туғишган ака-укалар ва она-сингиллар ўртасида расмийлаштирилганда бож белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорда ундирилади.

Пенсияга руҳсат борми?

Мен 1982 йили Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначилик факультетини тамомлаганман, 1983 йилда туман марказий кутубхонасида кутубхоначи лавозимига ишга кириб, бу ерда 2003 йилгача ишладим. 2003 йилдан 2006 йилгача болалар кутубхонасида мударра бўлиман. 2006 йили Республика Президентининг 20 июнь кунги 381-сонли қарорига қўра, кутубхоналар халқ таълими тизимига ўтказилиб, ахборот-ресурс маркази ташкил этилиди. Шу боис шу пайтга қадар мазкур марказда ишлаб келмоқдаман. Шу йил декабрь ойида 50 ёшга тўламан. Кутубхона соҳасида меҳнат стажим 30 йилдан ортиқни ташкил этади.

Шу стажни ҳисобга олган ҳолда мен 50 ёшда имтиёзли пенсияга чиқа оламанми? Туман ижтимоий таъминоти ходимлари эса имтиёзли пенсияга чиқа олмаганини айтишди. Шу тўғрими?

Д.Артикова,
Гурлан тумани

"Пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси талаби бўйича, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бироқ, мазкур қонуннинг 12-моддасида ушбу ёш имтиёзли асосда беш йилга қисқартirilган ҳолда пенсияга чиқиш имкониятини берувчи касблар рўйхати тилга олинади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май кунги 250-сонли қарори билан тас-

диқланган 3-сонли рўйхатнинг VII қисмига мувофиқ, библиотекарлар ва библиотекка мударралар тўғрисида бўлган ходимлар камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлсалар белгиланган умумий пенсия ёшидан беш йил олдин имтиёзли асосда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Меҳнат дафтарчангиздаги ёзувлар бўйича эса сизнинг бундай махсус иш стажингиз йигирма беш йилга бироз етмайди. Шу боис сиз ушбу имтиёздан фойдалана олмайсиз.

Аmmo, ушбу қонуннинг 37-моддаси "а", "б", "в" ва "г" бандларида назарда тутилган қоидага мувофиқ, камида йигирма йиллик иш стажига бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундан ташқари, сизнинг махсус меҳнат стажингиз ўн йилдан ортиқ бўлганлиги учун пенсияга чиқиб, библиотекар лавозимида ишлашни давом эттирсангиз, пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

ХўРАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ҳуқуқ» газетасининг <info@huquq-gazeta.uz> электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди

2010 йил — Баркамол авлод йили

Болалар меҳнатини муҳофазати қилиш кафолатлари

Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида қонун ҳар томонлама ривожланишига қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.
Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилинишининг ўзи мамлакатимизда ёшлар масаласига алоҳида эътибор берилганлигидан далolat беради. Ушбу қонунга асосан ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади, ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат эканлиги мустаҳкамланган.

Президентимиз Исрол Каримов "Хар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимида шу халққа эса хусусият ва фазилатлари намоён этидиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради" - деб таъкидлаган эдилар.

Маълумки, мамлакатимизда умумий аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, яъни болалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган ва 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44 сессиясида қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг моҳияти ва

юксак мақсадига тўлиқ мос келади. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияни 1992 йилда 9 декабрда ратификация қилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 4 апрелда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 1973 йил 26 июнь 58-сессиясида қабул қилинган "Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида"ги Конвенцияни, 2008 йил 8 апрелда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 1999 йил 17 июнь 87-сессиясида қабул қилинган "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шоишлик чоралар тўғрисида"ги Конвенцияни ратификация қилди.

Маълумки, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 32-моддасига асосан иштирокчи давлатлар томонидан бола-ни иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиги учун хавфхатар етказиш мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган ёхуд соғлиги, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқининг эътирофи этилиши, шунингдек ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшнинг белгилаб берилиши кераклиги мустаҳкамланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги вояга етмаган ходимларга қўшимча кафолат ва имтиёزلарни назарда tutadi. Бундай кафолат ва ҳуқуқларни белгилашда меҳнат

қонунчилиги энг, аввало, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Бу борада БМТнинг универсал ҳужжатлари - Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенция ва тавсиялари мезон вафасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасида ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўқ қилилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махус, касб-хунар ўқув yurtларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган энгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун - улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўқ қилилади деб белгиланган.

Меҳнат кодексининг 14 боб 2-параграфи "Ёшлар учун қўшимча кафолатлар" деб номланиб вояга етмаганларнинг меҳнатига оид кафолатлар ва имтиёزلарни ишга қабул қилиш, меҳнат шартини белгилаш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бу параграф меҳнат муносабатларига вояга етмаганларга қўшимча имтиёз ва кафолатларни назарда tutadi. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 239-

моддаси белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш бевувиши ишга қабул қилиши шартлигини кафолатлайди.

Бундан ташқари, кодекснинг 240-моддасига кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатига оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофазати қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар. Қўшимча имтиёزلарга, хусусан, қисқартирилган иш вақти мuddати татбиқ этилиши, узайтирилган таътиллари берилиши, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланиши қиради.

Меҳнат кодексининг 241-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шартини муқолай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиши тақиқлайди.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси вояга етмаганларнинг меҳнати муҳофазасини кафолатлайди ҳамда уларга қўшимча имтиёزلарни белгилайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Меҳнат кодексининг 115-моддасида иш вақтининг нормал мuddати белгиланган бўлиб, ходим учун иш вақтининг нор-

мал мuddати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг мuddати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозимлиги белгиланган. Яъни, ушбу модда ҳодимларнинг ҳафталик ҳамда кундалик иш вақтининг максимал мuddатини аниқ белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 242-моддаси эса вояга етмаган шахсларга иш вақтининг давомийлиги мuddатини белгилайди. Иш вақтининг мuddати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиغان қилиб белгиланган. Ушбу моддада иш вақтининг ҳафтадаги максимал мuddати белгиланган бўлса-да, вояга етмаганларнинг бир кунлик иш вақтининг давомийлиги аниқ белгиланмаган.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция"нинг 32-моддасига асосан конвенцияга иштирокчи давлатлар болалар меҳнати учун кундалик ишнинг мuddатини аниқлашлари белгиланган.

Фикримизча, юқоридаги Конвенция талабларидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганларнинг кундалик иш вақти мuddатини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда Меҳнат кодексининг 242-модда 1-қисми "Иш вақтининг мuddати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг мuddати олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида етти ярим соатдан ортиб кетмаслиги, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан, 6 кунлик иш ҳафтасида тўрт соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида беш соатдан ортиб кетмаслиги лозим" деб номланувчи янги тахрирда баён этилишини тақлиф қиламиз. Бу эса ўз навбатида болалар меҳнати муҳофазасига оид қонунчилигининг янада тақомиллаштиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Ёшларга қонунларга ҳурмат руҳи сингдирилмоқда

Ёшларнинг маънавий ва жисмоний чиниқиб улғайишлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган ҳам болаларга доимий гамхўрлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигидан далolat беради. Ёшларни ҳар томонлама йўғ тарбиялаш, улар ўртасида соғлом тумшу тарзини қарор топтиришда спортнинг ўрни беқийёс. Андижондан етишиб чиққан турли йўналишлардаги спорт устازلари халқаро мусобақаларда ҳам голиб чиқиб, мадҳиямиз садолари остида юртимиз байроғини баланд кўтаряптилар. Юртдошларимизнинг дилларини чеқис фахр-ифтихор туйғуларига тўлдириб-тоширмоқдалар.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январь кунги қарори билан тасдиқланган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят марказида компьютер-ахборот ресурс маркази, турли фан кабинетлари, касба ўргатиш курслари, спорт комплек-

лари бўлган муҳташам "Ёшлар маркази", шаҳар ва туманларда 50 га яқин ижодиёт марказлари, 36 та ўйингоҳ, 714 та спорт майдонлари ўсимрлар бўш вақтларини мазмулли ўтказишларида хизмат қилмоқда. Шаҳар ва туманларда ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий маданиятларини ўстириб боришга оид тадбирлар ташкил этилмоқда.

Кўни кеча Андижонда ўтказилган анжуман спорт билан шуғулланаётган ўсимрларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни диний-экстремистик оқимларнинг таъсиридан асраш ва бу борада спорт мураббийларининг масъулиятини кучайтиришга бағишланди. Тадбир аввалида шарқона курашда شوҳсанубнинг юқори погоналарига кўтарилган, обури-этибор қозонган, спорт тўғрисида очиб болаларга сабоқ бериб келган "чемпион"нинг тубанликка қандай юз тутгани, обури-этибори, яққакураш тажрибасидан божхона қондаларига хилоф равишда товармоддий бойликларни олиб ўтишдаги жи-

ноий қилмишларга "ҳомийлик" қилишда фойдалангани, жиний гуруҳ ташкил қилиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига жиддий қаршилиқ кўрсатгани, жиний шериклари билан судланиб, қилмишларига яраша жазоланганлари тўғрисида ҳужжатли фильм намойиш этилди. Кейинги фильмда эса хорижга ишлагани борган, дунёқарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларнинг диний эътиқодларидан, моддий қарамликларидан фойдаланиб, чет эллик эмиссарлар томонидан ташкил этилган "Жиҳол" диний-экстремистик гуруҳга тортиш ва террористик хуружларга давбат қилишдан иборат жиний қилмишларнинг ибтидо ва интиҳоси тўғрисида мулоҳаза юритилди. Ушбу жиний тўданинг Ислом динига бутунлай зид хатти-ҳаракатлари, инсонийликка ёт қилмишлари фой этилди.

Ҳужжатли фильмлар намойишидан сўнг сўзга чиққан вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, халқ таълими бошқармасининг вакиллари ҳамда диний уламолар ўсимрларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали ҳуқуқбузарликлар-

нинг олдини олиш, уларга Ислом динининг инсонпарвар мазмуни-моҳиятини сингдириб бориб, диний-экстремистик оқимларнинг зарарли таъсиридан асраш масалаларини ёритиб бердилар. Спорт мураббийлари, айниқса, бокс, шарқона яққакурашдан таълим бераётган устозлар шогирдларига жисмоний куч ва маҳоратдан фақат мусобақалардагина юксак натижаларга эришиш учун фойдаланиш, ҳатто ўзини тажовуздан ҳимоя қилганда ҳам зарурий мулоффа чегарасидан чиқмаслик, инсонлар ҳаётини юксак қадрлаш руҳини сингдириб боришлари зарур.

Анжуманда ўсимрларни қонунларга ҳурмат ва итоғат руҳида тарбиялаш, спорт ва бошқа фойдали машғулотлар билан банд этиб ҳуқуқбузарликлардан асраш, комил инсонлар сифатида тарбиялашни тақомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Бундай тадбирлар барча шаҳар ва туманларда ўтказилмоқда.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
"Нуқид"

Хуқуқий давлатнинг ижтимоий асоси инсондир, унинг хилма-хил манфаатлари бундай давлатнинг диққат марказида туради. "Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак, деб таъкиллаяди Президентимиз Ислам Каримов. - Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри ало этган ҳисобланади. Бу қондани ҳамма таъ олиши, бу қондага ҳамма итоат қилиши шарт".

Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган кенг қамровли ислохотлар бола ҳуқуқларини таъминлашга, уларни ҳимоя қилишга қаратилган. Хуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш каби олдимизга қўйган буюк мақсадларимиз бу институтни жорий қилиш, унинг фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва самарали фаолият олиб боришнинг таъминлашини тақозо этади. Ушбу мақсадларга эришиш учун эса энг аввало бола ҳуқуқларини кафолатлаш лозим.

Хуқуқий демократик анъаналарга асосланган давлатларда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барча давлат органлари зиммасига юклатилган. Сабаби, бутун дунё аҳолисининг 2 миллиард 170 минг нафарини болалар ташкил қилади. Бу жуда катта кўрсаткич бўлгани учун ҳам уларга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олимпиа асосий шартномасини ратификация қилди ва ушбу шартномалар қондалари ижроси тўғрисидаги даврий марузаларини БМТнинг ваколатли органларига мунтазам тақдим этмоқда. Мамлакатимиз парламенти инсон ҳуқуқлари бўйича жами 60 дан ортиқ халқаро шартномаларни ратификация қилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ва Аналихни муҳофазга қилиш тўғрисидаги конвенциялари, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга рияз этиш мажбуриятларини МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз зиммасига олган.

Болалар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳаётининг турли жабхаларини қамраб олади. Масалан, шахсий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Бола ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат муассасалари маҳаллий корхона ва ташкилотлар орқали амалга оширилади. Нодавлат ташкилотлар ҳам бола ҳуқуқларини таъминлаш учун мажбуриятлар олишган. Ҳар қандай масаланинг, энг аввало, ҳуқуқни муҳофазга қилувчи органлар ҳамкорлигида ҳал этилиши масалани муваффақиятли ҳал этилиши гаровидир. Халқаро ҳамжамият таърихида бола ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг роли катта, бунин Олий Мажлис мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Парламентимиз томонидан бола ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик тизими

Баркамол авлод ҳимояси

О. ЧУБОЕВА,

НамДУ ҳуқуқшунослик факультети катта ўқувчиси



ми старли даражада яратилган ва йилдан-йилга такомиллаштирилиб боришмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бўлди. 1992 йилда Конвенцияга қўшилган, Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, Конвенция қондаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда Конвенция қондаларини бажариш юзасидан даврий ҳисоботларни тақдим этади. Миллий марузаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси яқини кузатишларини ишлаб чиққан бўлиб, унда давлат томонидан эътибор қаратилишини талаб этувчи соҳалар кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Мазкур Ҳаракат режаси бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликнинг қайта кўриб чиқилишини назарда тутган. Шу муносабат билан 2007 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи яли мажлисида Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун маъқулланиб, 2008 йил 8 январда қула қирди. Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмни такомиллаштириш йўли билан болалар

ни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қаромогидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самаралорининг оширишдан иборатдир. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ўзи га хос хусусияти шундаки, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларидан назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамланган тарзда мужассам этади ҳамда мустаҳкамлайди. Таъкидлаш керакки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича старли даражада катта ишлар олиб борилди.

Қонун 4 та боб, 32 та моддадан иборат. Қонуннинг 4-моддасида бола ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича олиб бориладиган устувор йўналишлар белгиланган. Унда бола ҳуқуқларини ҳимоялаш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритиш лозимлиги айtilган.

Мамлакатимизда миллий ривожланиш моделини рўёбга чиқаришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати изчил амалга ошириляётди. Бу сиёсатнинг нафақат ҳамюртларини, балки халқаро ҳамжамият ҳам қўллаб-қувватламоқда. Ҳимояга муҳтож қатламларни, оналик ва болаликни муҳофазга қилиш, миллатимиз фаровонлиги ва саломатлигини таъминлаш бўйича кучли ижтимоий ҳимоя мазкур сиёсатнинг асосий таркибий қисмларидан саналади.

Ўзбекистон ҳукумати махсус ижтимоий дастурларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, оналар ва болалар саломатлигини янада яхшилашнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда. Шуни-



си эътиборга лойиқки, Марказий Осие давлатлари орасида Ўзбекистон солиққни сақлаш, мактаб, ўрта махсус, касб-хўнар таълими билан бюджетдан катта маблағ ажратмоқда. Кейинги икки йилда болалар уйлари ва мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга 6,5 миллиард сўмдан ортиқ давлат ва ҳоимийлик маблағлари йўналтирилди. 2007 йил 15 январда Вазиран Мақддаси томонидан "Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича тадбирлар дастури"нинг тасдиқлангани ҳам шундан далолат беради.

Мустақиллик йилларида келажак авлодни тарбиялаш учун барча тадбирлар юқори даражада белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги "Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида", 1994 йил 23 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида", 1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янада кучайтириш тўғрисида", 1999 йил 13 январдаги "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролинин ошириш тўғрисида"ги Фармонларини бунга аққол мисол қилиб келтириш мумкин. Бундан ташқари кўпгина йилларнинг "Оила

йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Обод маҳалла йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳоимийлар ва шифокорлар йили", "Ёшлар йили" каби рамзий номлар билан аталиши ва ҳар бир йил учун алоҳида Давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланиб борилиши давлатимиз юриятган ижтимоий сиёсатнинг изчиллигини далолат беради.

2010 йил ҳам давлатимиз Президенти ташаббуслари билан "Баркамол авлод йили" деб номланди ва давлат аҳамиятига молик Дастур қабул қилинди. Бу йил дастур бўйича баркамол авлод бахт-саодати йўлида яна улкан ишларни амалга ошириш режа ва тадбирлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Баркамол авлодни тарбиялаш ва уларга менталитетимизга хос ахлоқий, ҳуқуқий билим беришда маҳалла фуқаролар йиғинларининг тутган ўрни ҳам булғакча. Улар ҳудуддаги билим масканлари билан ҳамкорликда фаолият юритсалар нур устига нур бўлар эди.

Болаларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолишининг олдини олиш мақсадида, аввало, ота-оналарни ва жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш, бунинг учун барча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари, маҳалла посбонлари, ҳуқуқни муҳофазга қилувчи органлар, манфаатдор корхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида, "Бола ҳуқуқлари уларнинг келажаги" мавзуларида, "Бола савдоси бўйича дунёда юз бер аётган ҳодисалар, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ва унинг олдини олиш бўйича кўриляётган чора-тадбирлар" мавзусида ҳудудий семинарлар

тартибга солиниб, ушбу йўналишнинг тартибга солувчи миллий қонунчилик тизими юзасидан тушунтириш ишларини изчил олиб бориш мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Қонунчиликнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча миллий қадриятларимизни ва халқаро талабларни ўзи га мужассамлаган. Жиноят кодексига ҳам воғга етмаганларнинг жиноятлари бўйича алоҳида инсонпарварлик тамойиллари белгилаб қўйилган. Ёшлар ва катта ёшдагилар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар мамлакатимизда айнан бир суд томонидан кўрилади. Чет давлатларда эса воғга етмаганлар ишини Ювенал судлар томонидан кўрилиши эътиборимизни тортади. Ювенал судлар фақатгина воғга етмаганлар ишини кўриш учун шакллантирилган. Ювенал юстицияни шакллантириш бўйича БМТ тараққиёт дастури томонидан мамлакатимиздаги ҳуқуқшунослик йўналишидаги ўқув юртларида Тошкент Давлат юридик институт ташкилотчилигида семинарлар ўтказилди.

Мамлакатимизда воғга етмаганларнинг жиноят ишлари алоҳида судларга бола ҳуқуқлари бўйича мутахассисликка эга судлар томонидан кўрилиши инсонпарварлик тамойилининг акс этиши ва суд ҳокимияти ислохотларининг яна бир поғона юқори кўтарилганидан далолат берган бўлурди.

Ҳаёт ўз мураккабликлари билан қизиқ. Чунки унда оғир-енгли кунлар, қувончли-қайғули дамлар доимо изма-из юради. Бундай зиддиятли лаҳзаларда оқилона йўл топиш, қўлга киритилаётган муваффақиятлар учун шукроналик билдириш, дуч келаятган муаммоларга ечим топишда аввало, оналар ўз фарзандларига энг яқин маслаҳаттўй бўлишади. Уларнинг ҳаётий тажрибалари фарзандларига ибрат мактаби вазифасини бажаралади.

Лекин бу сафар иш чап-пасага кетди. Ўз фарзандини ёмон йўлдан қайтармаган ота била туриб ўзини жиноят кўчасига бошлади. Нафақат жиноятга раб-батланганди, балки ўзининг жи-ноий шеригига айланганди.

Абдувахоб Юсупов ёш эмас. 1956 йили Булунгур туманида ту-рилган. Лекин ўзининг 54 йиллик умри давомида бир эмас, тўрт ма-ротаба судланиб улгурган.

У 1996 йили Булунгур туман судининг ҳукмига асосан содир этган жинояти учун 5 йилга озод-ликдан маҳрум этилган. А Юсу-повнинг илк бора содир этган бу жиноятига жазо белгилашда Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги "Ўзбе-кистон Республикаси Мустақилли-ги эълон қилинганининг беш йил-лиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги фармони унинг жо-нига оро кирди. Тайинланган жазо ярмига қисқартирилиб, ўтасан учун 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлдирилди.

Лекин у бу гамхўрликдан, юрт-бошимиз томонидан эълон қил-линган авфдан тўғри хулоса чи-қармади. Жиноий қилмишларини кетма-кет давом эттира бошлади. Оқибатда у 2001 йили Булунгур туман суди томонидан 2 йил мул-датта ҳамда 2005 йилда 2 йил 9 ой мулдатта аҳоқ тугзатиш иш-лари жазосига тортилди.

Сўнги бор у айнан ушбу ту-ман суди томонидан 2007 йилнинг 7 июнида содир этган жинояти учун 5 йил мулдатта озодликдан маҳрум этилган.

Жиноят оламида ана шундай "бой тажриба" тўплаган Абдувахоб Юсупов бу сафар катта ишга қўл уришга жазм эди. Ишининг му-ваффақиятли чиқиши учун эса 1989 йилда турган ўли Ориф-жон Ярмахатовни жиноий шерик-ликка ташлади. Ўғли тўғри йўлдан алдаси уни қайтариши лозим бўлган отанинг бу қилиги эса ҳар иккаласи учун ҳам аянчи бўлди.

2009 йилнинг 20 август куни соат 7 ларда А.Юсупов ўғли О.Яр-махатовнинг қўл телефонига қўнғироқ қилди:

— Орифжон! Мен Жиззахга бо-раман. Сен кела олсанми?

— Бирор юмушингиз борми?

— Бир бола мендан пул қарз эди. Шунинг олиш керак.

Отасининг бу таклифини эшитган Орифжон Жиззах шаҳри-га автобуса йўл олди. Соат 16 ларда отаси уни автобекатда ку-тиб олди.

О. Ярмахатов судла сўроқ қилинган пайти отасининг мақса-дини шундай ифода этди:

— Отам менга бирор ундан оз-гина қарз эканигини, бутун пули-ни бераман, деб чақирганигини айтди. Ўша одамнинг телефон ра-қамига қўнғироқ қилишимни сўради. Биз пулни олгани ўша ки-шининг олдига бормоқчи бўлдик...

Ўша куни ота-бола соат 19 лар-да "Кук-бозор" худудида келиш-ди. Бозорни айланиб чиқиб, кира-каш ҳайдовчилар турдиган жойга ўтишди. А.Юсуповнинг қўзига оқ рангли "Нексия" авто-мобибли яхши қўринадди шеккили, ўша машинага яқинлашди.



Отанинг "ибрат"и

Бу пайти 13 G 6665 давлат бел-гилли автомашина ҳайдовчиси Б.Жабборов мижоз пойлаб турган-ди. Ўзига яқин келган йўловчига машина кераклигини сезиб унга юзланди.

— Бизни Ўсमत шаҳарчасига олиб бормайсизми? Дўстимиз-нинг тўйи бор эди, — дея сўз бош-лади А.Юсупов.

— Нарҳига келишас бўлгани. Икки киши экансизлар, 25 минг сўм бераларингиз айтган жойин-гизга етказиб қўяман.

Савдо пишди. А.Юсупов ҳай-довчининг ёнидан жой олди. Ўғли эса орақ ўрнидиққа жойлашди.

— Узоқроққа борадиган бўлас-каронтимизни қилиб олайлик. Ёнилинг камроқ. Ун минг сўм бе-риб туринг. Ёнилги қуйдирай, — деди ҳайдовчи.

А.Юсупов унга беш минг сўм пул берди. Шу пулга яраша ёни-лиги олишга, ҳайдовчи уйига ки-риб чиқди. Чунки автомашина хо-тинининг номида бўлгани учун ав-томашинанинг техник паспорти-ни, турмуш ўртоғининг фуқаро-лик паспортини олиб чиқди.

Йўлда кета туриб А.Юсупов ҳайдовчига Баҳмал туманига бу-риладиган иккинчи қайрилишдан бурилишини айтди. Унинг гапига қараганда, қайрилишдан 1-2 кило-метр ўтгилча, тўйхонага етиш-лари керак эди. Лекин 5-6 кило-метрдан сўнг автомашина очик йўловга чиқиб кетса ҳам тўйхона-га етишмади. Бу ҳол ҳайдовчида шубҳа уйғотди.

— Биз маҳалла худудидан ҳам ўтиб кетдик-ку. Кенг далагинг қарсида тўй бўлади. Ёки бора-диган жойимизнинг тайини йўқми?

— ҳайрон бўлиб сўради ҳайдовчи. Лекин А.Юсуповдан:

— Машинангни ҳайдавермай-санми. "Заказ" қилдик-ку, — де-ган қўпол жавобни эшитгач, йўловчиларнинг нияти ёмон экан-лигини сезиб қолди ва машинани тўхтапти.

Автомашина тўхтагач, энди эшикни очмоқчи бўлган ҳайдов-чига А.Юсупов бирданга ташла-ниб қолди. Шу фурсатда ўғил ҳам отасига ёрдамга шошилди. Орқа ўрнидиқда турган ҳолияча ҳайдов-чини буға бошлади.

А.Юсупов ҳайдовчининг елка-си ва қўлларини ушлаб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Ҳайдовчи эса ўрнидиқдан эшик томонга чап елка-си билан сирганиб таяниб олди. Жон ҳолатда ўзини ушлаб турган А.Юсуповнинг қўрағига кўл ва ўнг беги билан зарба берган ҳай-довчи ўзини ҳимоя қила бошла-ди.

Ота-боланинг ҳайдовчига кучи етмай қолганди. Лекин ҳайдов-чи ҳам боқинчиларнинг қўлидан чиқа олмайтанди.

М. ЭРМАТОВ,
Жиззах вилоят прокурори
ўринбосари

Ишининг бундай тус олишини кутмаган А.Юсупов ўғлига "Тик" дея бақирди. Хўдди шу буйруқни кутиб турган ўғил қўлидаги пичоқ билан ҳайдовчига ташланди. У ҳай-довчининг юзига ва бўйин соҳа-сига пичоқ уриш учун юзланди. Ҳайдовчи эса қўллари билан пичоқ зарбини қайтаришга ури-нарди. Шу орада пичоқ ҳайдовчи-нинг чап қўл қўрсаткич бармоғи-га тегиб кетди. Уни ушлаб турган А.Юсупов ҳам эҳтиёсизлик ту-файли ҳайдовчини ушлаб турган чап қўлининг пастки қисмига ўғлининг пичоғи тегиб кетганди-гини сезмай қолди.

Ҳайдовчи ўзига иккинчи мар-та пичоқ уришга шайланаётган ўғилнинг қўлини қайтаришга ҳаракат қилди. Лекин рақибнинг пичоғи унинг юзини тирнаб кет-ди.

Ҳайдовчи энди бу йўловчилар-нинг ҳақиқий мақсадларини ту-шушиб етганди. Қандай бўлсада уларнинг қўлидан тирек чиқиб кет-тишини ўйлаган ҳайдовчи эшик томонга сирғалиб пасайиб, эшик-ни очмоқчи бўлди. Хўдди шу пай-ли унинг қорин қисми очик қолди. Буни сезган ўғил ҳайдовчининг қўрақ ва қорин қисмига бир неча марта пичоқ санчишга улгурди.

Ҳайдовчи ота-бола қароқчилар-нинг бу зарбаларини не бир ма-шқабат билан энгишга интилди. Қаршилик кўрсата туриб пайт пой-лаб эшикни очишга улгурди ва ўзини машинадан ерга ташлади. Ўзининг омон қолишига кам им-коният қолганини сезган ҳайдов-чи ўрнидан турасолиб қоча бош-лади. Унинг нияти қандай қилиб бўлса-да ота-бола зўравонлардан тирек қўлиши эди. Шунинг учун жароҳатдан қон кетаётганига қара-май йўлнинг қанч томонига қочди. Қоронғуд йўлнинг четидида лот-токка урилиб йиқилган ҳайдовчи омон қолиш учун ўрнидан тура со-либ, йайлов томонга қочди.

Ота-бола боқинчилар автомо-библи ўт олдириб, фараларини ёқишди ва ҳайдовчининг топмоқчи бўлишди. Лекин уларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Қоронғулик ҳайдовчини ўз ҳимоясига олгани учун улар уни ўлдиришдек қабул ниятларига ета оlishмади. Шу боис, машиналик бўлганларига қувонганича йўлга тушибди.

Ҳайдовчи Б.Жаббаров боқин-чиларнинг таъбиридан қутилгани-га ишонч ҳосил қилгач, ўзининг аҳолияга назар солди. Даладан яна йўлга қайтиб чиқди-да, балани-нинг қорин соҳасидан қўп қон ке-

таётганини сезиб қолди. Қонни тўхтатиш учун қўйлагани ечиб, яраланган жойга босди.

Шундан сўнг ўзини қўтқариш-ларига умид қилиб, ёнидан қўл телефони олди. Рақам терди-да, акасига қўнғироқ қилди.

— Мени машинама минган икки нафар мижозлар пичоқлаш-ди. Ўзимни йўлга ташлаб, авто-машинани олиб қочиши. Тезроқ қўқаринглр...

Бу пайти соат 21 лар эди. Жаб-ранувчининг акаси зудлик билан жиянини олиб, укасини кутқа-ришга шошилди. Йўлда ИПХ хо-димини учратиб, содир этилган жиноят фактилларини айтиб бе-ришти.

Улар Ўсमत бурумидан 25 ки-лометрлар ичкарига киришганда ИИБ ходимлари воқеа содир бўлган жойни қидириб юришган-лигини қўришди. Лекин улар ука-сини топишолмайди...

Хўдди шу пайти ҳайдовчи Б.Жаббаров йўлда "Жигули" ру-сумли автомашинада келаётган ИПХ ходимига дуч келди. Бу бе-жиз эмас эди. Ғаллаорол туман ИИБ ЙўХБ катта инспектори Ҳасанов 20 август куни соат 22 ларда Ғаллаорол туман ИИБ на-ватчиси И.Уразбоевдан телефон орқали хабар олганди.

У жароҳатланган ҳайдовчини машинасига миндириб, Ғаллаорол туман касалхонасига олиб келди. Жабранувчи Б.Жаббаров Ҳ.Ҳаса-новга содир этилган воқеани қис-қача айтиб берди:

— Автомашинани олиб қочиши. Менга пичоқ уришди. Улар ота-бола, икки киши эди. Бирининг ёши 50 ларда, иккин-чиси 25 ёшларда.

Ҳ.Ҳасанов бу ҳақда ИИБ хо-димларига хабар берди. ИИБ хо-димлари эса уни қўтқаришга кел-ган акасига Б.Жаббаров "Мадани-ят" қишлоғидан топилгани ва ка-салхонага етказилганини маъл-ум қилишди. Ака ва жиян ука-сининг олдига Ғаллаорол туман тиббиёт бirlaшмасининг жон-лангирини бўлимига етиб келиш-ди...

Ҳалқимизда "Худо урганни пай-гамбар ҳам ҳассаси билан турта-ди", деган гап бор. Ота-бола зўра-вонлар ҳайдовчини ўлдирари оли-шмаганларига афсусланишдада, "ўлжа"га тушган автомобилни ҳам бошқара олишмади. Оқибатда руль бошқарувини йўқотиб, ҳалокатга учрашди.

Ҳайриятки, жонлари омон қолди. "Емонга боло ҳам урмайди", дегани шу бўлса керак-да.

Ўша куни туңги соат 23 ларда воқеа содир этилган жойдаги уй-лардан бирининг эшиги таққайла-ди. Эшикни очган уй соҳибига но-таниси кишилар мурожаат қили-шди:

— Биз адашиб қолдик. Бир ке-чига тунаш учун жой берсангиз?

Вақт алламаҳал бўлгани учун уй соҳиб "адашган"ларга жой бе-ради. А.Юсуповнинг қўл қисми жароҳатланганлигига қўзи тушган уй соҳиб хавотирланиб ундан сўрайди:

— Қўлингизга нима қилди?

— Қишлоққа кириб келишда итлар тишлаб олганди. Ҳечқиси йўқ, унчалик хавфи эмас.

Туңги меҳмонларинг бу қўри-ничи уй эгасини хавотирга сола-ди. Шунинг учун у уйига келган-ларининг шахсини билдишга қизи-қди.

— Бирортангизнинг ҳужжатин-гиз борми?

— Бунга жавобан А.Юсупов "Ички ишлар органи ходимим" дея фуқаролик паспорти ва ички ишлар ходимлари формасида ту-шган суратини кўрсатади. А.Юсупов беқорага бу суратни кўрсатмаган эди. У илгари Тошкент милиция ўрта махус мақтабин битирган. Булунгур туман ИИБ паспорт бўлимида, Самарқанд вилоят ИИБ навбатчилик қисмида иш-лаган. Булунгур туман ИИБ да про-ффиликта инспектори ва ХООБ бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатганди. О.Ярмахатовнинг фу-

қаролик паспортини сўраганида эса "Бу меннинг ўғли бўлади. Пас-порти иш жойида қолган", деб жавоб беради. Шундан сўнг уй эга-сининг қўнгли бироз хотиржам тортади.

Шу орада чақирилмаган меҳ-монлар уй эгасидан сўрашди:

— Булунгур туманига қандай етиб олсак бўлади?

— Эрталаб соат 4.30 ларда ав-тобус бўлади. Ўша билан кетиш-ларингиз мумкин...

Туңги соат бирларда О.Яр-махатов кимгадир телефон қилади-да, уй эгасига уяли телефонини тўтқазади:

— Уй манзингизни тушун-тиринг. Опам Тошкентдан келя-пти...

21 август куни соат 12 ларда Тошкент шаҳридаги М.Юсупова Булунгур туман ИИБ ходем-лари томонидан қўнғироқ бўлади: — Зудлик билан Булунгурга етиб келишингизни сўраймиз. — Тинчликми? Нима гап? — Собик турмуш ўртоғингиз А.Юсупов Баҳмал туманида кира-кашлик билан шуғулланувчи Б.Жаббаров билан пулга талашиб жанжаллашиб қолган. Сиздан тур-муш ўртоғингизни топиб бери-шингизни сўраймиз.

М.Юсупова ҳуқуқ-тартибот органидан ходимларининг бу та-лабини сўзсиз бажарди. А.Юсу-повни акаси Ш.Юсуповнинг уйдан топиб берди. Сўнгра фарзанди О.Ярмахатовни ҳам топиб, ИИБ ходимларига топширади.

Ота-бола жиноятчилар ҳайдов-чи Б.Жабборовнинг қорнига икки марта пичоқ уриб, қўриб кетма-ди, уни тополмаган пайти "Тамом бўлди, ўлди", дея қувонибган бўлса, ажаб эмас. Жиноятчилар-нинг асл мақсди аён бўлди. Улар-нинг пул керак бўлганлиги сабаб-и Б.Жаббаровни ўлдириб, унинг бошқарувидаги "Нексия" русулли атомашинани Булунгур туманига олиб бориб етиб юбормоқчи бўлганлиги суд муҳокамасида фош этилди.

Ғаллаорол туман ИИБ ЙўХБ катта инспектори Ҳасанов жаб-ранувчини шифохонага тиббий ёрдам қўрсатиш учун вақтида олиб келганлиги хайри иш бўлди.

Ота-бола А.Юсупов ва О.Яр-махатовлар бир гуруҳ бўлиб, жабранувчи Б.Жаббаров бош-қарувидаги 13.200.000 сўмлик "Нексия" атомашинасини бос-қинчилик йўли билан ҳужум қилиб егализдаш ва тамағирлик билан жавобгарлиқни оғирлаш-тирувчи ҳолатда қасдан одам ўлдиришга суиқасд қилиш ҳамда жабранувчининг мўҳим шахсий ҳужжатлари ҳисобланган — ҳай-довчилик гувоҳнома, турмуш ўртоғи И. Жаббаровга тегишли фуқаролик паспорти ва авто-машинна ҳужжатларини гаразтўйлик ниятида егализдаш, қасдан нобуд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларни содир этган, дея айбланишди.

Жиноятчилар судда қилган ҳаракатлардан пушаймонликлари-нини билдиришиб, ўзларига енгиллик берилишини сўрашди.

Ушбу жиноят ишнини қўрган жиноят ишлари бўйича вилоят суди ўз ҳукмини эълон қилди. Ҳуқмга асосан Абдувахоб Ю-супов 19 йил, Орифжон Ярмаха-тов 16 йил мулдатта озодликдан маҳрум қилинди. Улар бу жазо-ни умумий тартибли колония-ларда ўтайдиган бўлишди.

Шунингдек, судланувчилар А.Юсупов ва О.Ярмахатовлардан жабранувчи Б.Жаббаров ҳисо-бига солидар тартибда 2.667.696 сўм ундириладиган бўлди.

Жабранувчи Б.Жаббаровга моддий ва маънавий зарарни ун-дириш масаласида фуқаролик тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

"Қилмиш-қилдириш", деган-лари шу бўлса керак-да. Ота ўз ўғлини ноқўя ишдан қайтариш ўрнига ўзи билан қамоққа етак-лаб кетди.

"Ўзингдан чиққан балога қайга борасан даввога" деб бекорга айтилмаган. Начора, туппа-тузук оиладан ҳам дарди бедаволар чиқиб турар экан-да. Янгийўлик Равшан Исмоилов (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ҳақида гап кетганда, таниш-билишлар, маҳалла-кўй худди шу гапларни такрорлаб қўйишарди. Одатда марҳумлар яхши хислатлари билан эсланади, аммо...



ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Акмал АСРОРОВ,
Янгийўл туман прокурори

Равшан билганидан қолмай, ота-онаси-ю туғишган жигарларига зугум ўтказишни одат қилди. Қизиғи, у "хўнари"ни кўпроқ ўз оиласига кўрсатар, бегоналарга эркалиги ўтмаслигини яхши биларди.

Аммо оила бир қўрғон эканки, ундаги яхши-ёмон гапни ташқарига чиқаришдан наф йўқ. Нима гап-сўз ўтган, бошқаларга қоронғу, аммо ота ноқобил ўғилнинг ҳақоратларини кўтара олмади: ўз жонига қасд қилди.

Ака-укалар, опа-сингиллар дардини ичларига ютишди. Она-изорнинг илтижолариға кўниб, Равшанни кеңиришди.

Аммо бу кунлар ҳам унут бўлган бир пайтда, онаизорини қон қақшата бошлади. Она кенж-дек, дея Равшан билан бирга яшай бошлаганига минг пушаймон бўлди. Аммо отасининг бошига етган ўғилнинг ёнини ол-

гани учун онасидан кўнгли қолган катта ўғиллар уни ўзлари билан олиб кетишга шошилмадилар. Она она-да, жигарбандининг айбини яширишига, ўзини ҳеч нима бўлмагандай туттиши уринарди. Аммо бардоши етмади: ичиб келган ўғилнинг зугумларидан кўчага қочиб чиққан онани тонгда топди. У шу-шу унганмади. Узоқ умр кўриб, ноқобил ўғилнинг азоблигиға барлош бериб яшаш пешонасиға ёзилмаган экан.

Буни ҳам оила ёзуллари ичига ютди. Эл-юрт, маҳалла-кўй олдидан нима деган одам бўлмасин,

дейтишди опалар.

Аммо катта акаси бунга чндай олмади, укасининг таъзирини беришга чоғланганида юраги кўтаролмади. Аниқроғи, муштумзўр уканинг бир мушти уни йиқитди. Катта ака шу йиқилганича қайтиб турмади.

Одамнинг тулбанлашуви шу даражада бўлар! Нима бўлганда ҳам Равшан бугун ҳаётда йўқ. Унинг умрига ўз акаси Насимжон зомин бўлди.

Равшан танишлари билан ишлаш учун Қозғистонга кетганда, оила биров энгил торди. Унинг йўғида тинчгина яшашди.

Куз кунларининг бирида Лола опанинг яхши кайфиятидан асар ҳам қолмади. Сабаби, укаси Равшан Қозғистондан қайтиб келган ва тўғри опасининг уйига меҳмон бўлган эди. Начора, жигарчилик, опаси дастурхон ёзиб, укасини меҳмон қилди. Ўзи билан олиб келган ароқни майдалаб ўтирган Равшан тезда маст бўлиб қолди. Теллефонда ака-укаларини чақиртирди. Укани қўришга истаб-истамай келган жигарларнинг кайфияти бузилди. У яна эски қилиғини бошлаб, жанжал излай бошлади.

Насимжон ака бунинг олдин олиш учун укасини уйига

олиб кетди. Унинг уйда ҳам Равшан ароқхўрликни давом эттирди. Дўқ-пўписа билан акасини ҳам ичишга мажбур қилди. Насимжон ака укаси ичиб олганда нималарни бошлаши мумкинлигини билгани учун, уни уклатиб қўйиш мақсадида уйку дори берди. Фойдаси бўлмади. Равшан уйни бошига кўтариб сўкина бошлади.

Равшаннинг ярамас одатларидан бири - маст бўлди дегунча кийимларини ечиб улоқтирар, қип-яланғоч ҳолда кўчага югуриб чиқиб кетарди. Шундан чўчиган Насимжон ака хотин бола-чақасини кўчага чиқариб юборди. Дарвоқе, Насимжон ака Равшаннинг болаларини ҳам ўз қарамогига олган эди.

Ака укани тинчлантириш учун яхши-ёмон гапириб кўрди, наф бўлмади. Шайтонга ҳай беришдан ҳам чарчади. Энди унинг газаби ақлидан устун кела бошлади. Ошхонага чиқиб, ўтин ёриш учун ишлатиладиган болтани олиб келди. Тинмай сўкинаётган Равшан бошига кетмакест тушган болта зарбидан тинчиб қолди. Шайтонга бас келолмаган ака укасининг қотилига айланди.

Уни тинчлантиришнинг иложи йўқ эдимми? Бу бугун пажара ортида ўтирган Насимжон аканинг виджонига ҳовола.

Суд масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Н.Исмоиловга қонуний жазо белгилади. Ўз укасининг жонига қасд қилган ака қилмишига яраша жазосини олди.Zero, ҳеч бир жиноят, у қандай ҳолатда содир этилган бўлмасин, жазосиз қолмайди.

Қора чизик

Судланувчи Алишер Қурбонов муқаддама уч бора судланган. Тақдирига ўзи қора чизик тортган, суднинг "қора курси"сига ўтириш одатий ҳолга айланиб қолган, шафқатсиз бу кимса, навбатдаги жиноятга қўл уради. У бу сафар ёшгина йигитнинг умрига зомин бўлди.

Ўтган йилнинг 7 май куни Бухоро вилоятидан Нурута туманидаги "Чашма" зиёратгоҳига қайлиғи билан келган Азиз бир кеча тунаш учун жой ахтариб, шу атрофдаги дўкон сотувчиси бўлган аёлга мувожаат қилади. Аёл эса ўз навбатда уни Алишер Қурбоновга рўпара қилади. Арзиманган хизмат эвазига уч-тўрт сўмлик бўлиб қолиш кимга ёқмайди? Шунинг учун ҳам Алишер узоқ ўйлаб ўтирмади, 3 минг сўм эвазига жой берадиган бўлади ва кечки пайт уларни ўзи яшаб келаётган ҳовлига бошлаб келиб, хоналардан бирига жойлаштиради.

Бу вақтга келиб, иблис аллақачон Алишернинг "тизгин"ини ўз қўлига олиб улгурган эди. У аввалига Азизни ўлдиришди, кейин эса қизнинг номунига тажовуз қилгач, уни ҳам ўлдиришни, сўнгра уларга тегишли бўлган мол-мулкни эгаллашни режалаштиради. Шу мақсадда бошқа хонадаги қўрпача тагига болта билан ошхона пичогини яшириб, ўзи кўчага чиқиб кетади.

Кўп ўтмай, маст ҳолатда қайтиб келади. Соат 23.00ларда Азизни ўзи турган хонага чақиради. Йигит билан у ёқ-бу ёқдан сўхбатлашиб ўтиргач, гап орасида у билан Махдид ўртасидаги муносабатларни сурштиради. Орала қиз ўтирган хонага ҳам бориб келади. Хонага қайтиб киргач, яшириб қўйган жойидан болтани олиб, ёнбошлаб ётган Азизга ташланади. Болта билан бошига бир неча марта зарба олган Азиз шу захоти ҳушидан кетади. Унинг қаршилиқ кўрсата олмаслигиға кўзи ет-

Санъат СОБИРОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлими катта терговчиси
Абдуҳаким ҲАсанов,
журналист

гач, бўйин қисмига бир неча марта пичоқ санчади. Сўнгра унинг қўл телефон апаратини ва 53 минг сўм пулини олиб, чўнтагига уради.


Режасининг биринчи қисмини амалга оширган Алишер, энди қиз ётган хонага йўл олади. Ичкарига киргач, қўлидаги пичоқ билан уни қўрқитиб, мушти билан бир неча марта уради. Қизга тегишли 200 минг сўмлик уяли телефон апаратини олиб, ёнига солиб-да, ечинишга мажбур қилади. Вазият нечоғлик жиддий бўлмасин, Махдид ўзини йўқотмай, Азизни кўрсатишни сўраб, илтимос қилади. Алишер қиз ўтирган хонани қулфлаб, ташқарига чиққанда эса, дераза ойнасини ечиб, ҳовлига отилади ва девордан ошиб ўтиб, кўчага қолади...

Айтмоқчи, тергов жараёнида А.Қурбоновнинг 5 апрель куни ҳам ана бир жиноятга қўл урганга маълум бўлди. У ўша куни Нурутага зиёратга келиб, уйига қайтганда О.Шамиева билан тортишиб қолиб, лезвие билан унинг чап болдини кесиб юбориб, энгил тан жароҳати етказган экан.

Судда А.Қурбонов айбига тўлиқ иқроқлик билдириб, кўрсатув берди. Бундан ташқари жабрланувчилар ва гувоҳлар берган кўрсатувлар орқали ҳам унинг айби ўз тасдиғини топди.

Суд судланувчи А.Қурбоновни ЖҚнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топди ва унга 25 йил муддатта овозлукдан махрум этиш жазоси тайинланди. Шунингдек, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиш ва жазонинг дастлабки 5 йилини турмада ўтатиш белгиланди.

Омонатга жиёнат



А.ДАНИЯРОВ,
Фаргона транспорт прокурори ўринбосари

"Халқимизда "Қўзичоқни бўрига топширибди", деган ибора бор. Унинг моҳияти эса ҳаммага маълум. Ўзига ишониб топширилган омонатга хиёнат қилиш доно халқимизда иборасида таъкидланганидек, бўрининг иши. Истамизми йўқми, бугунги ҳаётимизда ҳам ўз мансаб вазифасини суиестеъмол қилувчи, омонатга хиёнат қилувчилар учраб туради.

Хусусан, транспорт ички ишлар бўлими тизимидаги Охунбобоев-1 отрядида миллионер бўлиб ишлаган, 1977 йилда Ўзбекистон туманида таваллуд топган Абдулазиз Абдуразоқов ҳам ана шундайлардан бири бўлиб қичди. Унинг қилмишини бошқача баҳолаш ҳам қийин.

Гап шундаки, А.Абдуразоқов Фаргона нефтини қайта ишлаш заводидан "Уйчи нефть база" унитар корхонасига жўнатишга техник керосин махсусоти ортилган вагон-цистернани 3427-сонли поезд билан "Қўқон-Наманган" йўналиши бўйича кузатиб, қўриқлаб бориши лозим эди. Вагон-цистерна деярли манзилга етиб, Уйчи бекатидаги 1-йўлга қўйилди-ю, соқчи А.Абдуразоқовнинг асл нияти ойдин бўлди.

Маълумки, бўри ёлғиз ов қилмайди. Бизнинг ўғри-соқчимиз ҳам "хизмат вазифасини ўтатиш чоғида" ўзгаларнинг ёрдамиға суянди. Наманган вилояти Уйчи туманида истикомат қилувчи У.Абдуллаев, Ф.Турсунов, Н.Ҳасанов, Ш.Мамадалиев, С.Солiev ва У.Турсуновлар бу борада унга ишонли шерик бўлишди.

Зудлик билан ишга киришган гуруҳ, резина шланг ёрдамида шоша-пиша цистернадаги техник керосинни ўзлари билан олиб келган канистрларга куя бошлашди. Аммо ишни охирига еткази олмадилар. 2 та 60, 3 та 30 ва 2 та 5 литрлик канистрлар тўлдирилган пайтда уларга Андижон тармоқ ИИБ ходимлари халал беришди...

Суд жараёнида уларнинг жинойи ҳаракати рад этиб бўлмайдиган далиллар, гувоҳлар кўргазмалари билан тасдиғини топди. Суд барча оғирлаштирувчи ва энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдорларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинлади.

Ҳа, очилмайдиган жиноят, қийғи чиқмайдиган қинғир иш бўлмайди. Бўри ўзига топширилган қўзичоқни ҳам қилолмаганидек, омонатга хиёнат қилиб, мансаб вазифасини суиестеъмол қилган соқчи миллионер-у унинг шериклари ҳам яқинлари ва ҳаммаслари олдида ер чизиб қолганлари бунинг яна бир исботи бўлса ажаб эмас...

Улар бир синфда ўқишган эди. Мактабни битиргач, ҳар ким ўз йўлидан кетди. Қосим (исмлар ўзгартирилган) онаси билан Тошкентга кўчиб ўтди. Павел Ангренда қолди. Слава бўлса жиноятга қўл уриб, қамалди.

Қосим пойтахтга келгач, тузукроқ ишнинг бошини тутмаёк, Наташа исмли киз билан танишди. Кўп ўтмай уникига кўчиб ўтди. 2006 йилда онаси вафот этиб, маъракалар ўтгач, уни аммаси йўқлаб қолди. М.Улуғбек туманидаги бир хоналик уйда истиқомат қилувчи сўқабаш бу аёлнинг характери жуда оғир бўлиб, ҳатто туғишган ака-укалари ҳам у билан ўйлашиб муомала қилишарди. Шундай бўлса-да, амма Қосимни ўз фарзандидек кўрар, топганини унга илинарди.

Маълум бўлишича, кампир қариб қолгани туфайли уй-жойини вафотидан кейин жиянига қоладиган қилиб расмийлаштириш ниятида экан. Қайси инсон қариндошининг бундай марҳаматидан воз кечарди дейсиз? Қосим ҳам дарҳол рози бўлди. Кўп ўтмай амма, "Вафотимдан кейин уй-жойимни жияним Қосимга мерос қилиб қолдираман", деган мазмунда васиятнома ёзиб, нотариус орқали расмийлаштириб берди. Шу билан бирга, ўзидан тез-тез хабар олиб туришни ҳам тайинлади. Қосим бунга ҳам кўндий-ю, аммо ўзи билан ўзи овора бўлиб, аммасини даярли унутди. Бундан кампирнинг жиғи-бийрони чиқди. Жиянини бемехриққа айблади, аммо кўлидан ҳеч нарса келмади. Ахийри, қариндошларига шикоят қилиш баробарида, васиятномини ўзгартириши ҳақида шаъма қила бошлади. Бу гаплар Қосимнинг ҳам кўлуғига етиб борди, албатта. Аммо у вақти йўқлигини баҳона қилди. Бу ҳақда гапирган тоғаларига эса, аммасининг уй ҳақида миннат қилиши жонига текканини-ю, унга ҳеч нарса керак эмаслигини писанда қилиб қўйди.

2008 йил ёз ойининг охирида Ангрендан хабар келиб қолди. Ёлғиз ўзи яшайдиган кичик тоғаси бетобланиб, кўзи кўрмай қолибди. Унга қарашга одам кераклиги боис, Чилонзордаги уй тезда сотилди. Уйнинг пули уч қисмга бўлиниб, амма билан икки тоға ўртасида тақсимланди. Бироқ, амма бу сафар ҳам ҳолатомўйлик қилди. У ўзига тегишли улушдан воз кечиб, пуллари жияни Қосимга қўшқўллаб топширди.

Шундай қилиб Қосим хотини билан ўглини олиб, Ангренга, тоғасиникига кўчиб кетди. Омад бир келса, келаверар экан. Кўзи кўрмай қолган тоға ҳам жиянини шу даражада яхши кўрар эканки, у ҳам худди опасига ўхшаб ўзининг улушини Қосимга берди. Бир томондан олганда, у тўғри иш қилди. Кўзи кўрмагандан кейин 7 минг доллар пулни нияям қиларди?



Кўрнамак

ди? Қолаверса, энди унга Қосим қарайди.

Хуллас, тоға билан жиян бир уйда яшай бошлашди. Шундай кунларнинг бирида кўчага чиққан Қосим тасодифан Славани учратиб қолди. Икки синфдош кувончдан ўзларини кўярга жой тополмай, анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Слава гап орасида ўзининг яқинда қамокдан чиқганини айтиб берди.

— Ҳа, пешонангда бу кунлар ҳам бор экан, — деди Қосим дўстининг елкасига қоқиб, — энди нима қилмоқ-чирсан?

— Хайронман? Билсанг, ҳозир яшашга жой ҳам "проблема" бўлиб турибди. Иш ҳақида-ку, гапирмай қўяқол. Бу ёқда пул ҳам керак.

— Сенга қандай ёрдам берсам экан-а? Ахир шунча йиллик дўстимсан-ку! Бош қотиб қолди, огайни...

Слава жавоб бермади. Қосим унга тикилиб ўтирар экан, тўсатдан юзи ёришиб кетди:

— Менга қара, топдим. Ҳозир мен яшаётган уй анча таъмирталаб бўлиб қолган. Ана шу квартирани бир қўлдан чиқариб бермайсанми? Ахир бир пайтлар шунга ўхшаган ишларини қилиб юрдинг-ку! Эсингдан чиқмагандир?! Яшашни бўлса, ташвишни қилмай қўявер. Биз билан тураверсан. Хўш, розимисан?

Икки дўст қўл ташлашди. Шундай қилиб, Слава уникига кўчиб киди ва таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Бу орада Слава Павелни ҳам бошлаб келди. Ўша куну уч огайни мактаб даврини эслаб, роса отамлашди. Қосим айниқса Павелнинг ҳайдовчилиги гувоҳномаси борлигини эшитиб, роса кувонди. Ахир машинаси бўлгани билан ўзи ҳайдашни билмасди-да. Энди уни Павел олиб юради...

Қуз ҳам бошланди. Октябрнинг ўрталарида Павелнинг уйида йиғилишди. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди. Қосим пойтахтдаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, тўсатдан аммасини эс-

лаб қолди-ю негадир мақтангиси келди:

— Менга қара, Славик, Тошкентда амма борлигини эшитгандинг? Ана ўша-чи, квартирасини менга мерос қилиб қолдирди...

— Нега, ўзининг бола-чақаси йўқми?

— Турмуш қурмаган. Мени ўз боласидек кўради. Аммо, характери жудаям оғир. Тилиям роса аччиқ.

— Омадинг бор экан, ошна, — Славанинг унга ҳаваси келди. — Қани энди қай қариндошларим бўлса-ю, менга ҳам мерос қолди-ришса...

— Э-эй, кўй ўша меросини. Нотариусдан келгандан бери кўзимни очирмайди. Мендан хабар олмайсан, менга қарамайсан деб, хит қилиб юборди. Энди бир камим унга энагалек қилишим қолувди?!

— Уй қачон сени номинга ўтади? — яна қизикди Слава. — Қачон бўларди, аммама ўлгандан кейин. Васиятномада шундай ёзилган. Энди аммама қачон ўлади-ю, квартираси қачон менга ўтади. Худо билади...

Шу билан бу мавзуга қайтишмади. Мезбон ташқарига чиққанидан кейин эса, Қосим Славача юзланди:

— Слава, миямга бир фикр келиб қолди. Ростдан ҳам амманинг ўлишини кутиб ўтиришим керакми? Шуну тезлаштирсак бўлмасмикан? Нима дейсан?

— Очиғи, мен ҳам шуну ўйлаб ўтирувдим-ку, нима бўлганда ҳам қариндошинг деб, индамагандим. Нима десаңг, шу... Айтмоқчи, кейин квартирани нима қилсан?

— Нима қиларди? Сотамиз. Пулини бўлиб оламиз. Хўш, розимисан?

Славик қўл ташлади. Павел уларнинг олдига кирганда эса, машинани тайёрлашни буюриб, икки-уч кундан кейин Қосимнинг Тошкентдаги аммасининг уйга ўғирликка бормоқчи эканликларини айтишди. Павел фақат ҳайдовчилик қилишини, бошқа ишларга аралашмаслигини билдирди, рози бўлди.

Абдулла ҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғининг ўринбосари
Ғофуржон АЛИМОВ,
«Huquq»

— Ҳалиям машина ҳайда-санг бўлди, — уни хотиржам қилиш оҳангида деди Қосим, — амманнинг пули кўп. Ахир сендан ҳам анча қарзман-ку! Баҳонада ўша қарзимдан қутилман...

25 дан 26 октябрга ўтар кечаси Қосим Павелга кўнги-роқ қилиб, уйига етиб келишини тайинлади. Ўзи эса ҳар эҳтимолга қарши аммасининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиб, Слава билан кўчада уни кута бошлади. Павел келгач, Тошкентга йўл олишди. Бектемир туманида қираверашдаги ЙХХХ постига яқин жойда тўхташди-да, машинани шу ерда қолдириб, йўловчи машинага ўтиришди. Улар мўлжалдаги манзилга етиб келгандан кўра соат эрталабхи 8 лар эди. Машинадан тушишгач, Қосим ким нима иш қилиши кераклигини тайинлади. Унинг тузган режасига кўра, Павел кўчада қолиб, вазиятнинг кузатиб туради. Узи эса Слава билан квартирага кирди. Амма эшикни охоча, Қосим ҳожатхонани баҳона қилиб, ичкарига ўтган пайтда, Славик кампирни бўғиб ўлдирди...

Қосим эшик кўнги-роғини босган эди, ичкаридан "ким у" деган овоз эшитилди.

— Амма, бу мен, Қосимман.

— Қосим? Эрталабдан нима қилиб юрибсан? Тинчликми? — Ҳа, тинчлик? Иш билан узокроққа кетадиган бўлиб қолдим. Шунинг учун туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангизни олиб келувдим. Бериб кетмоқчиман.

— Қаерга кетаяпсан? Ишларганими?

— Э-эй, қанақа одамсиз ўзи? Тезроқ эшикни очма қолсангиз-чи! Мазам бўлмай турибди. Бўлинг тезроқ.

Амма жиянининг бесабрлигидан нолиганча, эшикни очди. Қосим унга салом бе-

лар-бермас ўзини ичкарига урди. Унинг бу ҳаракатидан хайрон бўлган кампир ҳали ўзига келмаёк, Слава унга ташланди. Кампир ҳам бўш келмади. Қўлига қолган шаабра билан ўзини ҳимоя қила бошлади. Аммо норғул йиғитга қари аёлнинг кучи етармиди?! Слава бир амаллаб уни ерга ётқизиб, бўға бошлади. Уларнинг шовқинини эшитган Қосим ичкаридан ҳовлиққанча чиқиб келди-да, аммасининг оёқларини ерга босиб турди. Кампир қимирламай қолгач, Қосим унинг томир уришини эшитмоқчи бўлди. Бироқ қаттиқ ҳаяжон ва кўркүвдан қўллари титраётгани боис, бунинг урдасидан чиқолмади. Ўрдидан туриб, пул қидиришга тушди. Анча уриниб, 247 минг сўм топди. Сўнгра Славага кампирни текшириб кўришни, агар тирик бўлса, ишни охирига етказишни, кейин эса эшикдаги кўнги-роқнинг тугмасини артишни тайинлар экан, ўзи биринчи бўлиб чиқиб кетишини айтди. Слава унга ўхшаб томир уришини текшириб ўтиришни ўзига раво кўрмади шекли, кўшини хонадан сим топиб келиб, кампирнинг бўйнига қаттиқ қилиб ўрай бошлади. Қосим уларни кузатар экан, қўл телефонда Павелга кўнги-роқ қилиб, вазиятни суриштирди. Ҳаммаси жойида эканлигини билгач, секин ташқарига йўл олди. У чиқиб кетгач, Слава кўнги-роқни яхшилаб артди. Сўнгра эшикни ёпди-да, у ҳам квартирадан чиқиб кетди...

Улар машинани қолдирган жойларида учрашди. Павел рулни Ангрен томон бургач, қўллариغا кийиб олган резина қўлқоплари-ю квартиранинг қалитларини ташқарига улқотириб юборишди. Кейин Қосим аммасиникидан олиб чиққан пуллари уч қисмга бўлди-да, озгинасини бензин учун олиб қўйди. Ангренга етиб келгач, ўзининг улуши бўлган 80 минг сўмини Наташага топширди...

Ушбу жиноий иш ўтган йил март ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан кўриб чиқилди. Аксарият судланувчилардан фарқли ўларок, бу гал қора курсида ўтирганлар айбларини тўлиқ тан олишди. Фақат Павелгина айбига қисман иқорлик билдирди. Суд ҳар бир айбланувчининг жиноят ишидаги иштироки, оғирлаштирувчи ва енгилаштирувчи ҳолатларни ўрганиб чиқиб, Қосим Джунусов ҳамда Слава Қуравлёвга 20 йил, Павел Карповга эса 18 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

Хулоса ўрнида бир мулоҳаза. Вақти келса тоға билан амаки отанинг, тоға билан амма онанинг ўрнига ўтади дейишади. Юқоридаги ҳолатда эса, ҳам отаси, ҳам онасидан айрилган Қосимга аммаси оналик қиламан, она меҳрини бераман деса-ю, у кўрнамаклик қилса! Аммасини рози қилиб, дуосини олиш ўрнига унинг қотилига айланса! Афсусли, шундай бўлди. Назаримизда, бу сафар ҳам мўмай даромад илинжи, балойи нафс устунлик қилди.

"МИКРОКРЕДИТБАНК"

Очиқ, акциядорлик тижорат банки

Аҳолининг турли қатламлари учун мос, фойдали ва имтиёзли омонат жамғармаларини жорий этиш, уларни асраш ва кўпайтиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки аҳоли кўлидаги бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш борасида барча аҳоли пунктларида, қишлоқ ва узоқ овулларда ҳам фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк юқори фоизли, ҳар бирининг ўзига хос имтиёзлари ва қулайликлари мавжуд бўлган кўплаб омонат турларини жорий этди.



Янги ташкил этилган "БАРКАМОЛ АВЛОД" омонати йилимизнинг асл мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган

Юқори фоизли "БУЮК КЕЛАЖАК" ва "ОНА ДИЁР" омонатларига маблағлар нақд пулда қабул қилинади ва фоизлар ойма-ой тўла борилади. "ОИЛА ХАЗИНАСИ" омонатига маблағлар бир ойдан 12 ойгача мuddатга қабул қилинади ва унинг фоизлари барча коммунал хизмат тўловлари учун йўналтирилиши мумкин.

Олти ой мuddатли - "НАВБАҲОР", уч йилгача мuddатли - "КАПИТАЛ" сингари юқори фоизли омонатларга маблағ кўйган фуқароларимиз фоиз суммаларини олишмаса, ушбу фоизлар омонатга ойма-ой қўшиб борилади, яъни капитализация қилинади. Пенсия ёшидагилар учун мўлжалланган "ФАҲРИЙ" омонат жамғармасининг ҳам худди шундай имтиёзлари бор. Шу билан биргаликда мазкур депозитга маблағлар узлуксиз жамғариб борилади.

Банк ўзининг мuddати 15 йилгача бўлган махсус омонатларини ҳам таклиф қилади. Хусусан, "УМИД" омонати меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар учун қулайлик бўлса, "ГУЛГУНЧА" омонати вояга етмаган болалар учун аталган ва унга маблағлар узлуксиз қабул қилиб борилади.

Беш ой мuddатли "КАФОЛАТ" ҳамда бир йил мuddатли "ИШОНЧ ПЛЮС" омонатларига эса маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади.

Банкнинг пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатадиган юқори фоизли "ХАЗИНАКАРТ" омонати энг қулай ва замонавий омонат жамғармаси ҳисобланади.

Шунингдек, банк томонидан яна "МЕҲР", "ЧАШМА", "ИСТИҚБОЛ" ва "УНИВЕРСАЛ" сингари жами - 18 турдаги жамғармаларга омонатлар қабул этилмоқда!

Банкда 15 кунликдан тортиб - 15 йиллик мuddатгача бўлган омонатлар жорий этилган!

Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари таъминланади.

Қимматли миҳозлар! "Микрокредитбанк" омонатларидан фойдаланиб ўз жамғармаларингизни кўпайтиринг!
Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-05-87, 150-56-28
Тошкент шаҳри-96, Лутфий кўчаси-14.

"Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади

2010 йил 29 мартда "Республика кўчмас мулк биржаси" АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (удун, мол-мулклари) рўйхати					
№	Мулkning номи	Баланс савдоларининг номи ва манзили	Манзили	Давлат активининг қисқача тавсифи	Мулкнинг бошланғич нархи (сўм)
1	"Гуранкиновидео" МЧЖнинг 95,0 фоиз давлат удуди (Ассосий шарт: Фаолият турини сақлаш)	"Гуранкиновидео" МЧЖ	Хоразм вилояти, Гуран тумани Мустақиллик кўчаси, 8-уй.	Бино 1976 йилда ишга туширилган, эгалаб турган ер майдони 6428,5 кв.м., бино ва иншоотлар майдони 1441,5 кв.м., жамғарма битта киновидео биноси мавжуд бўлиб, фундаменти-бетон, деворлари пишқ гишдан, том ёлмас темир-бетон плитадан, баландлиги 2-қavat. Бино туман аҳолисига киновидео кўрсатишга мослашган бўлиб, барча шартларга мавжуд.	297 438 000

Кўшимча маълумотлар ва савдолар учун "Aktiv Broker" ДК муурожаат қилишингиз мумкин. Тел.: 233-27-19, 233-38-69. Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz, gkitorg.uz
 Манзили: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; ДМК Хоразм вилояти худудий бошқармаси тел. 8(3622) 26-16-55, 2631-55.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК

Хоразм вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади

Кўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибдаги очиқ танлов савдосига Урганч шаҳар хокимлиги ҳисобидagi Урганч шаҳри, Жайхун кўчаси 2-уйда жойлашган "Алоқа Виста" кўшма корхонасига қарашли мулкий мажмуа кўйлади. Объект 1990 йилда қурилган, умумий ер майдони 50000,0 м², бино ва иншоотлар қурилиш ости ер майдони 6273,1 м².

Танлов шартлари: сотиб олиш бўйича энг юқори баҳонини таклиф этиш, объект бино ва иншоотларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва уни ишга тушириш мақсадлари учун 600 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда кўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш, фаолият турини сақлаш. **Бошланғич баҳоси 4 343 020 000 сўм.**

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 2 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уйда бўлиб ўтади.

Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 9, 16, 23 апрель кунлари соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт: танлов қатнашчисининг талабномаси; таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижий сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш мudda-

ти, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли; мuddати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланди тақдим этилиши лозим; закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг рекузитлари; ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Кўшимча маълумотни олиш манзили: 220100, Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30-уй.
1-қavat, 106-хона. Тел/факс: (8 362) 770-44-01, 226-84-39
Email: info@mulk.uz

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЕАЖ Навоий вилоят филиали бошланғич баҳоси олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоси 2010 йил 26 март куни соат 11-00 да Нурота туманида Навоий вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 11.02.2010 йилдаги 19-П сонли буйруғига асосан, Нурота тумани "Нихол" коммунал фойдаланиш корхонаси автосаройи худудидан яққа тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритишга ҳар бири 600 кв.м. 3 дона (№ 1,2,3 - сонли) ер майдонлари кўйилмоқда. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 79 800 сўмдан.**

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур аукционда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Навоий филиалининг АТ "Ипотекабанк" Навоий филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00205, ИНН 200933850, Х.р. 20210000300571452458. Аукцион савдоси ғолиби сотувчи билан 20 кундан кечикмаган мuddат ичида олди-сотди шартномаси имзолashi шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиладиган манзили: Нурота тумани Ҳокимлиги биноси мажлислар зали.

Тел: 8 (436) 22-4-15-61. 22-4-64-31.

www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

"Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари"

номли илмий-амалий қўлланма нашрдан чиқди

майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган устувор вазибаларнинг бажариш мақсадида ишлаб чиқилган "Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланди ва 2009 йил 1 январдан қўлдан кирди. Мазкур Қонун билан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонун ҳужжатлари билан адвокатуранинг ташкилий мустақиллиги таъминланди, уни юқори

малакали кадрлар билан тўлдириш тизими тақомиллаштирилди. Адвокатларнинг мустақиллиги кафолатлари кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди ва адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизими яратилди. Адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш бўйича қайд этилган чора-тадбирларнинг ташкил этилиши фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқининг самарали амалга оширилишини, одил судловнинг сифати ва самардорлигини ошириши ҳамда суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя этишнинг процессуал кафолатлари кенгайтириши таъминланди.

Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан қонун ҳужжатларига кири-


тилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, мазкур қонунларини адвокатлар томонидан қўллашда қулайликлар яратиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан мамлакатимизда адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан адвокатлар, судья, прокурор, терговчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходимлари, юридик олий ўқув юртинларнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек кенг жамоатчилик учун мўлжалланган "Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" номли илмий-амалий қўлланма чоп этилди.

Ҳозирги кунда мазкур қўлланма адвокатлик фаолиятига

М.МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун
ҳужжатлари мониторинги институти
гурӯҳ раҳбари, ю.ф.д.

бағишланган қарийб барча масалаларни ўзда қамраб олган ва ўзбек тилида тайёрланган муҳим манба ҳисобланади.

"Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" деб номланган қўлланма адвокатура институти тақомиллаштирилишига оид миллий ва хорижий тажрибани қамраб олган бўлиб, адвокат, судья, прокурор, терговчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан би боралдаги қонун ҳужжатларини амалга асосан татбиқ этишда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мазкур қўлланма юридик ўқув юртини профессор-ўқитувчилари ҳамда адвокатура фаолияти билан қизиқувчи кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.



АДВОКАТЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ

Маълумки, сўнгги йилларда адвокатура институти ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1

Ўзбек футбол
ихлосманлари учун янги
мавсум ҳақиқий байрам
билан бошланди. Сабаби,
Осиё Чемпионлар
лигасида юртимиз шаънини
ҳимоя қиладиган
"Бунёдкор" илк учрашувда
жидалий рақиб
қаршичилигини осонгина
синдира олди. Ўтган
мавсумга "Пахтакор"ни
мағлуб этган "Ал-
Иттиҳод"дан қасос олинди.
Келинг, ўйин ҳақида
батафси тўхталиб ўтамиз.

Ўйин тезкор гол билан бошланди. Марказини мустақам ушлаши зарур бўлган Азиз Хайдаров рақибдан тўпни олиб қўйиб, Жоао Викторга узатди. Виктор эса ўнг қанотда ҳаракатланётган Сервер Жепаровни излаб топди. Тажрибали ярим ҳимоячи ўйлаб ўтирмай жарима майдонига ёриб кираётган янги жамоadoshi Денилсонга ажойиб тарзда тўпни етказиб беради. Рақиб ҳимоячилари бразилиялик ҳужумчини икки томондан сиқувга олмоқчи бўлиб турганида Денилсон катта тезликда олдинга интилган Жасур Ҳасановни тўп билан таъминлайди. Ҳасанов эса олдинга кўриб таввақал қилишдан кўра ҳимоячилар эътиборидан четда қолган Ривалдога тўп узатиши маълум топди. Ўз навбатида Ривалдо охира зарба билан Тисир Ал-Антаиф дарвозасини ишғол қилди. Бу пайтда эндигина ўйиннинг учинчи дақиқаси ўтиб бораётган эди. "Бунёдкор"нинг ушбу комбинацияси ажойиб тарзда ташкил қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 9-дақиқада меҳмонларнинг марказлик легендери Хишам Абшуревдан бажарган жарима зарбаси ҳафл қилди. Аммо Игнатий Нестеровнинг маҳорати қўл келди.

Ёқимли ибтидо... Интиҳо ҳам шундай бўлсин!



Учрашувнинг 18-дақиқасида рақиб футболчиларига теккан тўп Виктор Карпенкога келиб тушди. Унинг зарбасини "Ал-Иттиҳод" посбони катта қийинчилик билан майдон ташқарисига чиқариб юборди. Орадан уч дақиқа ўтар-ўтмас жамоа сардори Ривалдо 3-4 та рақибни муаммосиз алдаб ўтиб, жарима майдонига ёриб кирди. Сўнг тўпни қанотдаги Карпенкога оширди. Карпенко тўпни жарима майдонига узатиб берди. Денилсон ҳаводан келаётган тўпни боши билан дарвозага тўрираб қўйишга интилди. Бироқ Тисир Ал-Антаиф тўпни қайтариб юборди. Дарвозабондан қайтган тўпга биринчилардан бўлиб Жасур Ҳасанов етиб келди ва антиқа зарба берди. Тўп икки марта ерга тегиб, бўш кемтинки эпшига интилган ҳимоячидан ўтиб дарвозага бориб тушди. 2:0.

Ўйиннинг 21 дақиқасига келиб ўз дарвозасидан иккита тўп ўтказиб юборишга улгурган Энцо Троссеро шоғирллари бор кучлари билан олдинга ташланади. Бироқ "Бунёдкор" шу

кунни ҳимояда ҳам мукамал ўйин намойиш қилди. "Пахтакор"дан ўтган тажрибали ҳимоячи Ансур Исмоилов кўп вазиятларда рақибни жарима майдонига кирмасдан тўхтатишга эришди. Умуман олганда, шу кунни "Қалдирғочлар"нинг барча чизгиси ажойиб ўйин кўрсатди. Меҳмонлар биринчи бўлимда биргина голга тортарили вазиятга эга бўлишди. Биринчи бўлим мезбонларнинг 2:0 ҳисобидига галабаси билан аяқланди.

Иккинчи бўлимда "Ал-Иттиҳод" вазиатни қўлга олиш учун астойдил тер тўкди. Бироқ майдон эгаларидан осонликча устунлиқни тортиб олиб бўлмади. Қарши ҳужумларда "Бунёдкор" ҳимояда кўпол хатоларга йўл қўётган рақибни бемалол жазога тортиши мумкин эди. Худди шундай вазият ўйиннинг 58-дақиқасида вужудга келди. Саҳоб Жўраевнинг тўп узатишдан сўнг Денилсон ақли тўп ошириш билан Жепаровни рақиб дарвозабони билан бирга-бир чиқарди. Аммо Сервернинг зарбаси бироз ноанқ кетди. Сал

Максудали ҚАМБАРОВ
журналист

Ўтмай эса Жепаровнинг ўзи ажойиб тарзда тўпни Ривалдонинг бошига қўндириб қўйди. Ривалдонинг бош билан берган зарбасини эса Тисир Ал-Антаиф тўсишга эришди. Учрашувнинг 66-дақиқасида австралиялик ҳакам меҳмонлар дарвозаси томон жарима зарбаси белгилди. "Бунёдкор"чилар жарима тўпини амалга оширишда антиқа йўл тутиди. Аввали жарима зарбаладини Ривалдо ва Жепаров амалга оширишадан бўлса бу сафар Ҳасановга имконият берилди. Жасур тепган тўп йўл-йўлакай рақиб футболчиларидан бирига тегиб, тепага қўтарилди. Голни яхши ҳиса қиладиган Де-

нилсон бош билан рақиб дарвозабонни доғда қолдирди. 3:0.

Сўнгги дақиқаларгача мезбонлар шиддатни бир зумга бўлсин сусайтирмади. 89-дақиқада Жепаров туртинчи голни ҳам киритишга яқин эди. Бироқ унинг зарбаси дарвозадан баланд кетди. Ҳакам учрашувда 4 дақиқа қўшиб берди. Ўйинга қўшиб берилган вақт ўтиб бораётганида "Ал-Иттиҳод" футболчилари пенальти ишлашди. Бу вазиятда Виктор Карпенко Судтон Ал-Нумаре бироз туртиб юборди. Шамолга йиқилган "нозик" араб футболчиси майсага кулади. Ҳакам Нестеров дарвозаси томон 11 метрли жарима зарбаси белгилди. Пенальтини амалга ошириш учун меҳмонлар сардори Муҳаммад Нур чоғланди. Унинг зарбаси дарвоза устунига тегди. Тўпга биринчилардан бўлиб етиб келган рақиб футболчиси зарба берди. Аввалига зарба йўналишини топишдан адашган Нестеров бу сафар тўпни ушлаб олди. Шу билан "Бунёдкор" ашаддий рақибимизни ҳисобланган "Ал-Иттиҳод"ни йирик ҳисобда мағлуб этди. Бу албатта, ёқимли галаба бўлди. Ўзбек футбол мухлислари бу йилги мавсумни катта байрам билан кутиб олишди. Муваффақиятли ибтидо, бундан-да қувончли интиҳо топишини истаймиз. Бу мавсум "Бунёдкор" Осиё Чемпионлар Лигаси бош совринини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилиши кўриниб турибди. Умид қиламиз, "Қалдирғочлар" бу йил ўзбек футбол мухлисларини ҳашир устунга еттишди.

Ўтганларнинг охираги овод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, факрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ва Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси прокуратура факрийси **Раҳимжон САИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чукр ҳамдарлик изҳор қилади.

Huquq
yuridik gazeta
Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-9021. 27 877 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Sahifalovchi dizayner: S. BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: Y. PARDA
Musahhihi: A. MUSTAFOYEVA
Navbatchi: O. DEHQONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida Nashr ko'rsatkichi - 231
2009 yil 12 oktabrda O1188-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-7617

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matba'a ijodiy uyida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9